Ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
17-fevral
chorshanba
№ 7 (1223)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ www.uzhurriyat.uz ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ШАХСИЙ ФИКР



Банкларда кредИТ ФОИЗЛАРи нега юқори?

Бир ҳафтадан буён қачон УЙланаман дея бошимни чангаллаб ўтиравериб, иш столим усти сочга тўлибди. Бошга ўй тушса, соч оқаради, деган гапни эшитгандим. Ака, ўйлайверсангиз, нафақат соч оқаради, балки тўкилиб ҳам кетаркан. Шунча одам банклардан ипотека кредитларини олиб, тўлаб юрибдику, мен ҳам амаллайман дедим-да, кредит ҳақида маълумот излай бошладим...

Президентимиз томонидан кейинги йилларда аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаган муҳими, банклар тизимини анча “инсоф”га чақирадиган, халққа қайишиб фаолият кўрсатишга йўналтирилган қатор қарорлари қабул қилинди.

Шунга қарамай, янги қурилган бирламчи уйлардан харид қилмоқчи бўлсангиз, бошланғич тўловнинг 20 фоизини тўлаганингизда, 15 йилдан 20 йилгача ҳар йили камида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича, яъни имтиёзли кредит олишнинг ўзи бўлмайди. Бу жуда қийин. Осон эмас. Осони йиллик камида 23 фоиздан оласиз, ош бўлсин! Уйлар муборак бўлсин!

Иккиламчи бозордан, яъни эски уйлардан сотиб олмоқчи бўлсангиз, агар бошланғич бадалнинг 25 фоизи тўланса, қолган қисми 15-20 йилга 23-26 фоиздан тўланар экан.

Ижтимоий тармоқларда ёзилишича, банклар кам ойлик оладиган истеъмолчига ипотека кредитини бермас экан. Уларга йирик миқдорда пул олмоқчи бўлиб, йиллик даромад тўғрисидаги маълумотномангизни олиб борсангиз, “Ҳурматли мижоз! Ойига камида 3-4 миллион сўм маош олишингиз керак, акс ҳолда Сиз билан ишлай олмаймиз”, деган жавобни эшитасиз. Яна бир гап, бизда кредитни вақтида тўламасангиз, олган уйингизни банк қайтариб олиб, сизни лаш-лушингиз билан кўчага ҳайдаши ҳам ҳеч гап эмас. Чунки шартномада шундай: уй гаровга қўйилади.

Хорижий давлатларда бошланғич тўлов ўртача 5 фоиздан 10 фоизгачани ташкил этади. Масалан, айни кунда Россия Федерацияси ёш болали оилалар учун бошланғич тўлови 5 фоиз, 30 йилга 20 фоиздан кредит ажратиб, аҳолини уй-жой билан таъминламоқда. Россия банклари фақат иш жойингиздан маълумотнома ва шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат билан бизнинг пулда 700 миллион сўмгача 4-8 фоизлик кредит беради. Нақд пулда! Ҳеч қандай нотариус қоғози, кафил, ҳатто кредит олишдан мақсадингизниям сўрамасдан... Бизда қайси мезонлар асосида ипотека кредитларининг фоиз ставкалари белгиланяпти?

Билмайман. Лекин шу ўринда битта латифа. Бир куни тошбақа йўлда кетаётса, тепада тескарисига учиб бораётган қарғага кўзи тушибди. Шунда тошбақа қарғага қараб: “Ҳой қарға, жинни бўлганмисан? Нега тескарисига учяпсан?” деб сўрабди. Қарға: “Сенинг мен билан нима ишинг бор? Бизда демократия! Хоҳлаганимдай учаман!” дея ўшқирибди. Тошбақа, демократия бўлса демократия-да, дебди-да, ўзиям шартта тескарисига юра бошлабди. Орқасида жар бор экан, тошбақа қурмағур кўрмай қолиб, пастга тушиб кетиб, нобуд бўлибди. Шунда қарға унинг ёнига учиб келиб: “Эҳ, аҳмоқ тошбақа, демократия фақат тепада бўлади, пастда эмас!” деган экан...

Бирлашган Араб Амирликларида кредит картага пул олиб, 1 ёки 2 ойда қайтариб берсангиз, сиздан умуман фоиз олинмас экан. Кўпгина Европа давлатларида ҳам кредит карталар бўлиб, Араб давлатларидаги тизим йўлга қўйилган. Агар олган кредитингизни белгиланган муддатда тўламасангизгина фоиз олинади. Бу худди вақтинчалик қарз олиб, муддати тугагунча тўлаб қўйишга ўхшайди.

Бир неча ой олдин Дубайда яшайдиган танишим билан гаплашдим: Бизда банкларнинг ўзи “кредит олинг” деб қўнғироқ қилишади. Масалан, бу ерда “Noor Bank” исломий банки бор. Ундан кредит олмоқчи бўлгандим. Агар 21.000 дирҳам (5 минг 700 АҚШ доллари) пул олиб, уни 6 ой ичида тўласам, мендан 600 дирҳам (163 АҚШ доллари) фоиз олишар экан. Банк мендан атиги 3 фоиз фойда кўряпти, холос. Шартномага имзо қўйгандим, сўраган маблағимни бир неча соат ичида ҳисоб-рақамимга ташлаб беришди...

Финляндия билан ҳам қизиқиб кўрдим. У ерда кредит олмоқчи бўлсангиз, атиги 15 дақиқада сўраган пулингизни ҳисоб-рақамингизга ўтказиб беришаркан. Хўш, ўзимизда-чи? Бизда ҳам банклар сизга қўнғироқ қилишади, албатта. Фақат улар аксарият ҳолларда “қарзингизни тўлаб қўйинг, бўлмаса ... ” деб! Натижада кредит олган одам қарзини узгунича юрагини ҳовучлаб яшашга тўғри келади. Ажаб, нега кредит фоизлари миқдори 20-25, ҳатто 27-28 фоизгача чиқиб кетган. Ахир бу уй олгунингизча, банкка ҳам янги хонадоннинг пулини шундоқ бериб кетиш дегани эмасми?!

Унисини-ку, қўя туринг. Кредит оламан деб, нечта эшикка сарғаясиз, қанча қоғозбозлик бўлади, камига, кафилингиз бўлмаса, ҳар қандай банк ҳам сизга рад жавобини беради. Ўйлаб қоламан, наҳотки банклар фуқароларимизга шунчалик даражада ишонмайди?

Албатта, сўнгги йилларда банклар тизими юртимизда ҳам бирмунча тартибга солинди. Аҳоли учун бу борада қатор енгилликлар яратилди. Лекин барибир ажратилаётган кредитлар устамаси жуда баланд.

Менимча, бизда фоизи ўта юқори бўлган кредит олган тадбиркорнинг бизнеси инқирозга учраш эҳтимоли юқори. Оддий аҳолига кредит бериш эса чўкаётган одамнинг қўлига оғир харсангтош тутқазиб қўйиш билан баробардир. Айниқса, банкларимиз томонидан ажратилаётган ипотека кредитлари одамларни эмас, банкларни камбағалликдан чиқаряптими деб ўйлаб қоласан киши.

Ҳа, иш билганга бир танга, гап билганга минг танга, деган гап ҳам бор. Ҳисоб-китобларим бўйича, кредит олиш (агар насиб қилган бўлса) — бу оддий инсон учун катта муаммоларга дуч келиб, тинчлиги йўқолиб, ҳаловати бузилишига олиб келади. Пули бор, ишнинг кўзини биладиган одамлар учун эса у фойданинг макони! Оддий одамлар учун эса кредит инсонларни камбағалликдан қутқарадиган, лекин... қашшоқликни келтириб чиқарадиган омил бўлмаслиги керак.

Абдулазиз АҲМЕДОВ.

НУҚТАИ НАЗАР

Матбуотимиз келажаги кимларга ва нималарга боғлиқ?

Бир қарашда журналистикадан ҳам қизиқарли соҳа бўлмаса керак. Ёзганларинг пешма-пеш чиқиб турса, кўча-кўйда сени танишса, ҳавас қилишса, бунга не етсин. Мамлакатни кезиб юрасан, хорижга чиқасан, янгиликларни биринчи бўлиб эшитасан, муҳим воқеаларга гувоҳ бўласан. Машҳур кишилар суҳбатдошинг бўлади. Мақоланг жамоатчилик фикрини қозониб, қўлма-қўл бўлиб ўқилганида салкам қаҳрамонга айланасан.

Бугун хорижга хизмат сафари, нуфузли халқаро анжуманларда қатнашиш, катта минбарларда эмин-эркин фикр айтиш оддий воқеа бўлиб қолди. Айни шу ҳолат кўплаб ёшларни журналистикага оҳанрабодай тортиб келаётир. Бу касбни ихтиёр этаётганлар кўпайиб бораётганининг боиси ҳам шу. Аммо...

Журналистика бир ҳамла билан забт этиладиган фусункор тепалик эмас. У бошқа кўп соҳалар каби заҳматли меҳнатни талаб этади. Бу заҳмат бир умр давом этади. Ҳаётнинг завқли дамлари қоғозу қалам ихтиёрига ўтади.

Замон ўзгаргани сари матбуот олдида янги вазифалар пайдо бўлаверади. Газетхон аталмиш ҳар янги авлод сендан рост сўзни, воқеа-ҳодисаларнинг таъсирчан, ишонарли талқинини, ошкоралик ва холисликни кутади. Ҳар бир қаламкашнинг ўз ифода усули, жумла тузиш маҳорати, ҳаётий реалликни борлиғича қоғозга тушириш маҳорати бўлиши керак. Фақат маҳорат эмас, қатъият ва журъат ҳам талаб этилади. Буларсиз ёзганларингга наинки газетхонни, ўзингни ҳам ишонтира олмайсан.

Газетанинг ҳар бир сонида ўқувчи учун янги сўз айтиш, газетхон онг-шуурига таъсир ўтказиш, кўнглида маълум фикрлар уйғота олиш осон иш эмас. Чунки у ҳам, худди сен каби, дунёни кузатиб турибди, шу безовта дунё ичида, қувончу муаммоларга, ихтиро-ю хатоликларга гувоҳ бўлиб яшамоқда. Шўролар замонида газетанинг ҳар айтган сўзи ҳақиқатга менгзаларди. Газетада чиқдими, бас, бошқача фикрга ўрин қолмасди.

2 - б.

ГАПЛАШАДИГАН ВАҚТЛАР

ҲАВАС ЭСКИРМАЙДИ

ёки 130 йил қарамлик ва 30 йиллик озодлик масофаси

Суҳбатдошимиз ҳақида мухтасар сўз:

Қутлибека РАҲИМБОЕВА — 1952 йил 9 февралда Тошҳовуз шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1994). Фарғона педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган (1974).

Дастлабки шеърий тўплами — “Юрагимда кўрганларим” (1981). Шундан сўнг шоиранинг “Узун кундузлар” (1984), “Уйғониш фасли” (1989), “Озодлик” (1998), “Кўксимдаги Тангритоғ” (2000), “Қоракўзларим” (2012) каби шеърий тўпламлари нашр этилган.

Бир қатор шеърий туркумлари учун у бир неча бор “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг, “Шарқ юлдузи” журналининг ҳамда Москвада чоп этиладиган “Смена” ойномасининг мукофотини олган. “Шуҳрат” медали (1999), “Меҳнат шуҳрати” ордени (2020) соҳибаси.

Айни пайтда “Саодат” журналида хизмат қилади.

— Бугунги техникапараст бўлган авлодни тарбия этаётганимиз бир асрда ёзиш сиз учун қандай маъно англатади, ёзмаслик-чи?

— Одам боласи ўз тафаккури, қолаверса, ўз қўли билан яратган техниканинг бугунги тараққиёти аксарият ҳолларда ўзининг руҳияти, саломатлигига ёмон таъсир қилаётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Уч-тўрт яшар гўдакларнинг онасига “Менга телефондаги фалон ўйинни қўйиб берсангизгина овқат ейман”, дея шарт қўяётгани, жангари, даҳшатли ўйинлар томошасидан сўнг кичкинтойларда ҳам тажовузкорлик ҳиссиётларининг уйғонаётгани, интернетдаги танишувлар ошиқликка айланиб, кейин кўп ёшларнинг чув тушиб қолаётгани, туппа-тузук одамлардан ўч олиш мақсадида оддий расмлар беҳаё суратларга айлантирилиб, бировларнинг устига мағзава ағдарилаётгани, шаънига доғ тушаётгани, ижтимоий тармоқларда вайсақилик, саводсизлик, жаҳолат, фирибгарликнинг авжга чиққани, буларнинг ҳаммаси бир бўлиб жамиятимиз ҳавосини булғаётгани бор гап.

6 - б.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Гўдагини бағрига олиб унга кўкрак тутган аёл дунё келажагининг таянчи, дейиш мумкин. Зеро, ҳадиси шарифда айтилганидек, “Қариялар, далада ўтлаб юрган қўй-қўзи ва эмизикли аёллар” ҳаёт барқарорлиги, осойишталиги, бардавомлигининг сабабчиларидир.

Ҳар кунги мавзу, ҳар кунги муаммо

Ўйласам, умримнинг она шаҳрим Марғилондаги қадрдон маҳаллада, қариндош-уруғ ёши катталар орасида ўтган давридан қолган энг эътиборли, чиройли хотиралардан бири бу – ҳомиладор аёлларга ва улар кўзи ёригандан кейин чақалоғини она сути билан тўйдириб ўстириши учун атрофидагиларнинг кўрсатган ғамхўрлиги билан боғлиқ: йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, янги тумса (туққан) аёлни камида йигирма кун (кичик чилла) қўлини совуқ сувга урдирмай иссиқ овқатлар билан боқиларди, қўни-қўшнилар навбат билан чақалоқли аёлга атаб қилинган тансиқ таомларни чиқаришарди, бола кўп йиғлаб безовта бўлса, бунинг сабаби, аввало, она сути етишмаётганидан эмасмикин, деган саволдан изланиб, эмизикли аёлнинг осойишталиги, ейиш-ичишига яна ҳам кўпроқ эътибор қаратиларди, сути камдек туюлган аёлларнинг кўкрагига тандирдан янги узилган иссиқ нонни бойлаб қўйишар, бундан аёлнинг сути сезиларли даражада кўпайганини айтишарди – бу удумлар икки дунё ўртасида туриб мисоли ҳаётга янгидан келган аёл ҳамда ўзи учун энг бехатар жой бўлган она қорнидан синовлари кўп ёруғ дунёга келган мурғак жон соғлигини тиклаб, ўзига келиб олиши учун асрлар давомида синалган анъаналар эди.

3 - б.

АЧЧИҚТОШ

Қойил, жаноб ШЕРМАТОВ!

Президентимиз ўтган йили Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда матбуот нашрларига эътибор таълим соҳасида кўнгилдагидай эмаслигини қайд этиб, айниқса, ўқитувчилар ўз устида ишлаши учун, албатта, газета-журналларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаган эди. Хўш, бугун Халқ таълими вазирлиги ва унинг тизимларида мамлакатимиз раҳбарининг бу ҳақли таъкидига жавобан муносабат ўзгардими?

Маълумки, республикамизда 10 минг 90 та умумий ўрта таълим мактаби бор. Ушбу даргоҳларда 502 минг 42 нафар ўқитувчи 6 миллион 168 минг 198 нафар болага таълим-тарбия беришади. 500 мингдан ортиқ болалар эса бошланғич синфларда ўқийди.

Бугун давлат бюджетининг жуда катта қисми ушбу соҳага йўналтирилиб, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам айни ҳақиқат. Лекин... минг афсуски, мамлакатимиздаги бошқа нуфузли газета-журналлар ўз йўлигаку-я, Халқ таълими вазирлигининг ўзи муассис бўлган нашрлар ададига қараб, бугун ҳам бу борада бирор ёруғ сўз дейишга ожизмиз.

Мана, эътибор қилинг 2021 йилда:

1. “Маърифат” газетаси — 7 681 та.

2. “Учитель Узбекистана” газетаси — 1 987 та.

3. “Гулхан” журнали — 1 900 та.

4. “Тонг юлдузи” газетаси — 2 013 та.

5. “Ғунча” журнали — 3 000 та.

Юқоридаги газета-журналлар жами ададини ҳисоблаганда, ҳаммаси 16 581 та экан. Бундан англашиладики, ҳар 372 минг нафар болага, ҳар 30 минг ўқитувчига ёки ҳар 30 минг бошланғич синф ўқувчисига бор-йўғи 1 тадан нашр тўғри келади. Энг қизиқарли ўсмир-ёшлар журнали бўлган “Гулхан”нинг ҳатто ҳар 5 та мактабга 1 нусха ҳам бормаётганига нима дейиш мумкин? Демак, ўн минглаб ўқувчилар 11 йил давомида мактабда ўқиб, болалар нашрларини ҳатто кўрмай, қўлига олмай таълим ўчоқларини битириб кетяпти! Яна болаларимиз китоб ўқимаяпти деб, хафа бўлишимизга не ҳожат?

Нима ҳам дердик, халқимиз топиб айтган, аввал ранг кўр, кейин ҳол сўр, деб. Матбуотга бўлган “юксак эътибор ва меҳрингиз”га қойил, кироийи вазир бўлса сиздек бўлади-да, жаноб Шерзод Шерматов!

Ҳикматулло ҚОДИРОВ.

Матбуотимиз келажаги кимларга ва нималарга боғлиқ?

1-б.

Бугунги матбуот одамлар тақдирини ҳал этишдек ҳукмфармонлик функциясидан халос бўлди. Энди у жамоатчиликнинг эркин минбари. Унда иккинчи, учинчи томоннинг ҳам фикри, нуқтаи назари бўлиши талаб этилади. Бугунги танқид, аввалгидек, даҳшатли жазо қуроли ҳам эмас. Газетанинг ҳар бир сони ижодий жамоанинг заҳматли меҳнати, изланишлари эвазига тайёрланади. Чинакам газетачи ҳеч қачон ўз ишидан қаноат ҳосил қилмайди. Кеча, ўтган куни ёзгани бугун ўзига ёқмай қолади. Янада яхши, пухта ва таъсирчан ёзишга ҳаракат қилади. Фидойи мухбир эрта-ю кеч янги фикр, янги қаҳрамон қидиради, қаерда бир нима "йилт" этса, шу ерда ҳозир бўлади. Сўз эркинлиги, фикрнинг уйғоқлиги, мавзулар кўламининг кенгаяётгани, жамиятнинг танқидга муносабати оғриқ билан бўлса-да, ўзгараётгани, давлатимиз раҳбарининг ижодкорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги қалам аҳлига янгича илҳом бахш этмоқда.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари ҳозирги Миллий университетнинг журналистика факультетида беш йил сабоқ олганмиз. Ғайбулла ас-Салом, Ботирхон Акрамов, Очил Тоғаев, Сайёра Нажмиддинова, Нажмиддин Комилов, Сайди Умиров, Тоҳир Пидаев, Мухтор Худойқулов, Бойбўта Дўстқораевнинг ҳар бир дарси таъсирчанлиги билан хотирамизга нақшланиб қолган. Университет биз учун шу қадар қадрдон бўлиб қолган эдики, ҳар янги ўқув йили бошланишида қадрдон аудиторияларимизни қўмсаб, биринчи босқич талабаларига қўшилиб, дарс тинглагани борардик.

У пайтлари пойтахтда бор-йўғи уч-тўртта газета чиқар, уларда мақола ёки хабар эълон қилиш лотерея ўйнаб, ютуққа эришишдек машаққатли эди. Курсдошларимиздан бирининг қисқа ахбороти ўша йиллари машҳурлик чўққисига кўтарилган, бугун тақа-тақ тўхтаб ётган "Тошкент оқшоми"да босилганида, муаллиф киоскадан 20 дона газета сотиб олиб, бизларга "Бу ютуғим сизларга ҳам насиб қилсин", деган дастхат билан совға қилганди.

Бугун газеталарда мақола чиқариш нима бўлибди?! Бир газетадан қайтган мақола иккинчи ёки учинчисида, албатта босилади. Инжиқ муҳаррирлар талаб қилганидек, мақолани қайта ишлаш, имлосини тўғрилаш, фактларини бойитиш, жумлаларини тузатиш шарт ҳам эмас. Одамлар газета-журналлардаги, кўча эълонлари ва расмий ёзишмалардаги ғиж-ғиж хатоликларга "кўникиб" кетишди.

Факультетни 1972-1976 йиллари тамомлаган талабалар орасидан кўплаб иқтидорли журналистлар, шоир ва ёзувчилар, ношир ва бошқа касб эгалари етишиб чиқди. Эркин Аъзамов, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Номоз Саъдуллаев, Муҳаммаджон Обидов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Муҳаммад Раҳмон, Хуршид Даврон, Икром Отамуродов, Шарифа Салимова, Аҳмаджон Тошхўжаев, Муҳаммаджон Азимов, Раҳматилла Шералиев... Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Вилоят ва туманларда ҳаётини журналистикага бағишлаган ҳамкасбларимиз сон-саноқсиз. Тўғри, бугун ҳам битирувчи ёшлар орасида салоҳиятли ёшлар бор. Аммо муҳтарам ўқувчи эътиборини муҳим бир ҳолатга қаратмоқчиман: етмишинчи йиллардаги ўқув жараёни билан бугунги ўқув жараёнини ёнма-ён қўйиб бўлмайди. Бизнинг асосий вақтимиз "КПСС тарихи", "Партия-совет матбуоти тарихи", "Марксизм-ленинизм асослари", "Диалектик материализм", "Тарихий материализм" каби сиёсий фанларни ўқиш, большавойларнинг "Искра" газетаси материалларини ўрганиш билан ўтган. Шунда ҳам касбимизга бўлган ҳурматимиз сўнмаган. Бошқа бир жиҳати – факультетга ҳужжат қабул қилишда асосий эътибор абитуриентда ижодкорликка мойиллик, танлаётган касби хусусида тушунча, қўлида қалами борми-йўқми – шу каби жиҳатларга қаратиларди. Туман, шаҳар, вилоят газеталарида мақолалари чоп этилган, жойлардаги ёш мухбирлар тўгаракларида қатнашган, жумла, диалог тузиш маҳоратини эгаллаган, нутқи бийронларнинг баҳолари бироз кўтариларди. Бундан-да муҳими, таҳририятлар истеъдодли ёшларга журналистика факультетига ўқишга кириш учун йўлланма берар, ўқишни битиргач, уни ишга қабул қилиш кафолатини ҳам тасдиқлашарди. Бу, бугунги ибора билан айтганда – ижтимоий буюртма эди. Кейинчалик абитуриентлардан ижодий ишларини талаб қилиш тажрибаси бекор қилинди. Хорижий давлатларда бўлажак талабанинг муайян соҳага қизиқишига қараб, унга тавсия берилади. Бизда эса танлаган соҳаси ҳақида ҳеч қандай тасаввури йўқ, умрида дурустроқ баён ёки иншо ёзмаган, газетани журналдан фарқлай олмайдиганлар ҳам тест саволларини ёдлаб талаба бўлиши мумкин. Келажакда ундан яхши журналист чиқишига эса ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Ёшларда журналистикага қизиқиш турлича кечади. Аввалари мактабларда турли мавзуларда иншо, воқеа-ҳодисалар хусусида баён ёзиш қатъий одат эди. Бу билан ўқувчиларнинг хотирасини мустаҳкамлаш, имло саводини яхшилашга эришиларди. Она тили, адабиёт ўқитувчилари энг яхши ишларни мактаб деворий газетасига, ундан кейин туман ёки шаҳар матбуотига тавсия қилишарди. Жуда кўп касбдошларимиз соҳага айни шундай кириб келишган.

Бугун мамлакат олий таълимида реал натижага эришиш, ёшларни мустақил фикрлайдиган, мушоҳадали қилиб тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда. Бунга эришиш учун ўқув жараёнини қайта кўриб чиқиш, уни жаҳоний андозалар билан бирга миллий тажрибаларга ҳам мослаштириш зарур. Президент Шавкат Мирзиёев Олий ўқув юртларига ижодий-ташкилий эркинлик бериш вазифасини қўймоқда.

Ижодий-ташкилий эркинлик нима? Буни журналистика йўналишида кўриб чиқайлик. Ҳозир амалда бўлган талабларга кўра, ҳар ўқув йили бошланиши арафасида ўқитувчилардан икки семестр давомида ўзи сабоқ берадиган фан бўйича маърузалар матни, амалий машғулотларнинг мавзулари, талабаларга бериладиган саволлар ёзма равишда талаб этилади. Режали иш юритишнинг ёмон жойи йўқ, албатта. Аммо бундай талаб кўпроқ аниқ фанларга мос келади. Ижодий йўналишларда, жумладан, журналистикада матбуотнинг асосий принциплари – холислик, ҳаққонийлик ва тезкорлик сақланиб қолгани ҳолда, аниқ фанларга хос йиллар давомида ўзгармайдиган теорема ёки формулалар йўқ. Матбуот жамиятнинг эркин минбари экан, демак, жамият қандай бўлса, унинг матбуоти ҳам шундай бўлади. Жамият олдида турган бирламчи вазифалар матбуотнинг ҳам вазифаси ҳисобланади. Жамиятнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши, ҳар янги йил учун махсус давлат дастурларининг қабул қилиниши, ОАВ олдига янги вазифалар қўяди. Чунончи, бугун Ўзбекистонда Учинчи Уйғониш фаслининг маънавий-маърифий асослари яратилаётган экан, матбуот бу жараённинг қоқ марказида турмоғи шарт.

Кўринадики, журналистикада миллий ривожланишнинг муҳим бурилиш нуқталарини аввалдан режалаштириш қийин. Шундай бўлса-да, жамият билан бақамти қадам ташлаш, журналистик кузатув ва амалий таҳлилларда бир қадам олдинда бўлиш, ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни таҳлилга тортиш, тўғри ва адолатли ечим йўлларини таклиф этиш касбимиз учун шарафли бир ишдир.

Матбуотнинг муҳим хусусияти – ҳозиржавоблик. Бугунги гапни бугун айтиш керак, воқеа ҳодисалар ривожини олдиндан сеза билиш ва шунга мос қалам тебратиш зарур. Журналистика шу билангина кифояланмайди, унинг жанговар публицистик қуроли жамиятни, давлат бошқарувини, таълим-тарбия ва бошқа соҳа мутасаддиларини огоҳлик ва сезгирликка даъват этади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Орол денгизи ўтган асрнинг иккинчи ярми бошларида қурий бошлади. Буни мелиорация ва сув хўжалиги мутасаддиларидан аввал журналистлар сезишди ва бонг уришди. Афсуски, собиқ иттифоқнинг тегишли идоралари бу куюнчак ҳайқириқни эшитмади.

Бир вақтлар ўзим таҳсил олган факультетда йигирма йилдан бери бўлажак ҳамкасбларимизга сабоқ берар эканман, талабалар билан ишлаш, уларнинг ижодий қобилиятларини мустаҳкамлаш, кузатувчанликка, баҳс-мунозара олиб боришга ўргатишда қачонлардир тасдиқланган эски "қолип"лардан эмас, янги-янги замонавий усуллардан фойдаланиш яхши самара беришига ишонч ҳосил қилдим. Ҳар бир семестрда талабалар оралиқ, жорий ва якуний назорат иши ёзишади. Саволларни фан ўқитувчиси тузади, кафедра тасдиқлайди. Бунинг хато жойи йўқ. Аммо кўп ҳолларда саволлар қуруқ назариядан иборат бўлиб қолади. Талабаларнинг ҳаммаси эртага назариётчи олим бўлиб етишмайди, шу боис, бундай саволларга жавоб ёзишда мушкуллик келиб чиқади. Натижада талабаларнинг "ихтиро"чилиги ишга тушиб, дарсликлардаги тайёр фикрлар қоғозга тушади. Бундай ишларни баҳолаш қийин. Чунки уларда талабанинг шахсий фикри йўқ. Шу боис, назорат ишлари саволларини ижодийлаштириш тараф-дориман. Фақат шу эмас, факультетдаги дарс машғулотларининг кўпи ижодий шаклда, амалиёт билан боғлиқ ҳолда ўтказилиши керак.

Ҳар ўқув йилининг якунланишида битирувчи босқич талабалари билан ижодий суҳбат ўтказаман. Бўлажак ҳамкасбларимизнинг бундан тўрт йил аввалги ва бугунги ўй-фикрларига қизиқаман. Журналист кадрлар тайёрлашни яхшилашга доир таклифларини билмоқчи бўламан. Шу мавзуда ёзма топшириқ бераман. Бу йил ҳам шу анъанани давом эттирдим. Бундан уч-тўрт йил аввалги битирувчиларнинг фикри бугунги фикрлардан кескин фарқ қилади. Аввалари "Нега журналистикани танлагансиз?" деган саволга: "Бошқа ўқув юртларига киролмаганим учун", "Ҳар куни янги либос киядиган сухандонларга ҳавас қилиб", "Ота-онамнинг хоҳишига кўра", деган жавоблар кўп учрарди. Бугунги жавобларда маълум ижтимоий фаоллик, масъулият, матбуотимизнинг мавқеи билан боғлиқ жиддий куюнчаклик бор. Уларнинг айримларига эътибор беринг:

– факультетга қабул қилишда ижодкорликка мойил, қўлида қалами бор, матбуотда хат-хабарлари билан кўриниб турадиган ёшларга алоҳида эътибор бериш керак;

– факультетнинг аввалги мақомини тиклаш зарур;

– талабаларни қизиқиш йўналишларига қараб, кичик "Устоз-шогирд" гуруҳларига ажратиб ўқитиш яхши самара беради;

– илмий-педагогик жамоани тажрибали амалиётчилар билан бойитиш ҳисобига янги қон томирлари пайдо қилиш керак;

– ортиқча, такрор ва зарур бўлмаган фанларни қисқартиришни таклиф қиламан. Журналистикада асосан журналистика ўқитилиши керак;

– ўқув жараёни ўттиз фоиз назария, етмиш фоиз амалиётдан иборат бўлса яхши;

– факультетда миллий ва хорижий нашрлар тарихига оид илмий-ахборий база бўлиши мақсадга мувофиқ;

– баъзи устозларнинг устозлик маҳорати бугунги талабларга жавоб бермайди;

– оралиқ, жорий ва якуний назорат ишлари саволларида эркин ижодий мавзулар кўпайиши керак;

– талаба дарсга мажбуран эмас, ниманидир ўрганиш учун келсин;

– ижодкор талабаларни рағбатлантиришни йўлга қўйиш керак. Ўқув жараёнида газета-журналларда, ижтимоий тармоқларда таҳлилий мақола, суҳбат, лавҳа эълон қилаётган талабаларга, телекўрсатув, радиоэшиттириш муаллифларига маълум рейтинг берилса айни муддао бўлар эди;

– факультетда ўқув газетаси, босмахона, радио ва телестудия бўлиши шарт. Шундай имконият яратилса, амалиётнинг маълум қисмини ўқув юртининг ўзида ўтказиш мумкин бўлади.

Кўриниб турибдики, битирувчи талабаларнинг таклифлари ҳар жиҳатдан ўринли. Уларни ҳисобга олиш, ўқув жараёнини ташкил этишда касбимизнинг ижодий хусусиятини эътиборда тутиш, қабул қоидаларини ижодийлаштириш миллий матбуотимиз сўзининг жамоатчилик фикрига таъсири эртага қандай бўлишига боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

АФСУС

Ўзлари ХОН, кўланкаси МАЙДОНми?

Андижон вилоят маъмурий судининг маълум қилишича, 2017 йилдан 2021 йилгача ҳокимликларнинг 256 та қарори ҳақиқий эмас, деб топилган. Хусусан, 2017 йилда 13 та, 2018 йилда 57 та, 2019 йилда 87 та, 2020 йилда 99 та қарор ҳақиқий эмас экан, вилоят суди томонидан барчасига нисбатан хусусий ажримлар чиқарилган.

Юқоридаги маълумотларга эътибор қаратилса, вилоятдаги мавжуд ҳокимликларнинг чиқарган ноқонуний қарорлари кейинги йилларда камаймаган, балки йил сайин ўсиб боргани кўринади. Бу нима дегани? Бу оддий бир туман ҳокими ўзини хондек тута бошлади, дегани эмасми. Ақли етса, етмаса қарор чиқараверади. Амалдаги қонун билан иши йўқ. Бугун иши битса бўлди, эртани ўйлашмайди. Аммо унутмайлик, ҳар бир қарорнинг ортида инсонлар тақдири бор. Оиласининг тинчлиги, саломатлигининг мустаҳкамлиги бор. Андижондаги ҳокимлар буни нега тушунишмаяпти?..

Андижон туман прокуратураси маълумотига кўра, ўтган йилнинг ўзида туман ҳокимининг 85та қарори қонун талабларига зид равишда қабул қилинганлиги аниқланган, протестлар келтирилган. Энг ёмони, ноқонуний қарор қабул қилиб давлатни, халқни алдаётган ҳокимларга ҳеч қандай чора кўрилмаётгани бўлаяпти. Шунинг учун ҳам улар кўнгли нимани хоҳласа шуни қилишаяптими?!

Жумладан, Андижон туман ҳокимининг қарори билан "Куйганёр деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамиятига тегишли 0,56 гектар ер участкаси Ер кодекси талабларига ноқонуний тарзда берилганлиги аниқланган. Ўз навбатида туман прокуратураси томонидан мазкур қарор бекор қилинди. Яна бир қарор билан туман ҳокими фуқаро М.Атахоновга сабзавот ва боғдорчилик учун тупроқ унумдорлиги 68 балл бонитетли 6,7 гектар ер майдони ажратиб берган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги қарори 7-бандида янги ташкил этиладиган боғлар ва иссиқхона хўжаликлари учун 50 ва ундан юқори балл бонитетига эга бўлган суғориладиган ер майдонларини ажратиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Қишлоқ хўжалик вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Наҳот, бу туман ҳокими Президент қарорларидан мутлақо бехабар бўлса? Табиий савол туғилади, 4 йил ичида ҳокимлар томонидан қабул қилинган ноқонуний қарорлар сонининг ошиб боришининг сабаби нимада? Қолаверса, бир йилнинг ўзида қонунни менсимасдан туман ҳокимининг 85 та ноқонуний қарор қабул қилганини қандай тушунса бўлади? Бунда танганинг иккинчи томонига қарайдиган бўлсак, баъзи ҳокимлар чиндан ҳам "ўзлари хон, кўланкалари майдон" бўлиб қолаётгани яққол кўринади.

Шундай экан, ҳокимликлар ноқонуний қарор чиқариб, аҳолини алдаяпман, деб ўйласа жуда хато фикр юритган бўлади. Аслида улар, аввало, ўзларини, қолаверса, ҳукуматни алдашаётганини англашлари керак.

Дарвоқе, бундай ҳолатларнинг олдини олишда амалдаги қонунчиликда белгиланган жазо чораларини ҳокимларга ҳам қўллаш лозим эмасмикан? Эҳтимол ана шунда бундай кўзбўямачиликларнинг олди олинармиди?

Эъзоз ДАВРОНОВ.
Андижон вилояти.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

Шаффофликни таъминлашда журналист иштироки зарур

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими давлат идоралари фаолияти очиқлигини таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси билан аҳолини таништириб боришда вилоятдаги бошқармалар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ёшлар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Навбатдаги тадбир Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

— Вилоятдаги мулкчилик шаклидан қатъи назар барча нотурар иншоотлар бўйича ялпи хатлов ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтга қадар жами 7 131 та объект ўрганилиб, 651 таси бўш турганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, вилоят ҳудудида жойлашган ижтимоий соҳа муассасаларининг бўш турган 27 та бино ва ер майдонлари, келгусида самарали фойдаланиш мақсадида, туман (шаҳар) ҳокимликлари балансига ўтказилди.

Шунингдек, 41 та бўш турган бинолар 82 та лотларга бўлинган ҳолда "E-ijro auksion" электрон савдо майдончаси орқали ижарага бериш учун савдога чиқарилди, — деди ҳудудий бошқарма бошлиғи Акмал Шарипов.

Анжуманда бўш турган нодавлат секторга тегишли объектлардан самарали фойдаланиш ва тезкор хўжалик фаолиятига жалб этиш юзасидан вилоятда 2020 йил давомида жами 835 та хусусий мулк объектларига нисбатан 9,1 миллиард сўм оширилган солиқ ставкалари қўлланилиб, 596 миллион сўм ундирилгани баён қилинди. Бунинг натижасида 341 та хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти тикланди. 796 та объект тадбиркорларга мақсадли ижарага берилиб, 2 миллиард 416 миллион сўм маблағ давлат бюджетига туширилганлиги айтилди.

— Давлат мулки бўлган биноларни ижарага беришда шаҳар ҳудудларида ишлаб чиқаришга, туманларида эса сервис хизматларини йўлга қўйишга эътибор қаратилмоқда, — деди Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шерзод Жумаев. — Бу борада энг катта саъй-ҳаракатларимиздан бири, Зарафшон шаҳрида амалга оширилаётган "Зарафшон ойна" МЧЖ томонидан кварц қумидан ойна ишлаб чиқариш лойиҳаси амалиётга жорий этилгани саналади. Масъулияти чекланган жамиятда келгусида саноат ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун шиша идишлар ишлаб чиқарилади.

Қайд этиш керакки, иқтисодиётга давлат аралашуви борки, таннарх ошиб бораяпти ва ривожланиш секинлашаяпти. Шу боис, вилоятимиздаги бир қатор йирик корхоналарнинг носоҳавий объектлари хусусийлаштирилмоқда, — деди Ш.Жумаев.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан жузъий узилишлар бўлганлиги боис амалга оширилаётган ушбу ислоҳотлардан вилоят аҳолиси хабар топмаётгани ҳам тадбирда қайд этилди.

— Маълумки, маҳаллий газеталарнинг муассиси маҳаллий ҳокимликлар саналади, — деди вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Дилшод Мамаражабов. — Ўтган йилдан бошлаб матбуот идораларини хусусийлаштириш жараёни бошланганидан хабарингиз бор. Албатта, газета ва журналларни давлат тасарруфидан чиқарилиши бу жаҳон тажрибаси ва қолаверса, замон талаби. Буни тушунса бўлади.

Аммо орадан шунча вақт ўтса ҳамки давлат корхонаси бўлган нашрлар тақдири ноаниқ бўлиб турибди. Мазкур ҳолат ўз навбатида жорий йилги обуналарга ҳам таъсир қилди. Ҳатто айрим туманларда газета чоп этилмаяпти.

Натижада вилоят, туманлар миқёсида олиб борилаётган янгиланиш жараёнлари тарғиб қилинмаётир. Аҳоли муҳим ислоҳотлардан бехабар, бу ўз навбатида баъзи тушунмовчиликларни, норозиликларни келтириб чиқараяпти. Шундай экан, ушбу масала ҳам ўз ечимини кутаяпти.

Анжуман давомида иштирокчилар томонидан бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, давлат мулки бўлган иншоотларни ва корхоналарни хусусийлаштиришда у ерда меҳнат қилиб келган одамлар фикрини ўрганиш учун ҳам журналистлар иштирокини таъминлаш борасида келишиб олинди.

Озод МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими мутахассиси.

МУНОСАБАТ

Раҳбар юртпарвар бўлмаса...

Президентимизнинг Фарғонага ташрифи ҳар сафар файзли учрашувлар, янги-янги ғоялар, унутилмас таассуротларга бой бўлаяпти. Бу галгиси аҳолига янада хушкайфият, мамнунлик улашди, десак муболаға бўлмайди.

Эндиги масала Президент ташрифидан сўнг ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбияси қандай такомиллаштирилади? Президент вакиллари — ҳоким ва сектор бошлиқлари дунёқараши ўзгаради́ми?

Афсуски, шу кунгача айрим раҳбарлар, баъзи сектор бошлиқларининг иш фаолиятида ўзгариш сезилмаётган эди. Очиқ айтганда, раҳбарлар ерда юриб, одамлар оғирини енгил қилганда ижтимоий тармоқларда уларга аччиқ гаплар бу қадар сероб бўлмасди. Аммо кабинетда ўтириб, машинада юриб бунга эришиб бўлмаслигини англаб етолмаётган раҳбарлар борлиги ачинарли, албатта.

Президентимиз икки йил ичида Фарғона вилоятини Республикада “Энг намунали вилоят” қилиш мумкин, дея таъкидлади. Бунинг учун Фарғона фаоллари, раҳбарлари, айниқса, сектор бошлиқлари, аввало, фидойи, ватанпарвар бўлишлари керак.

Президент кўрсатмасига асосан янги тизим бўйича сектор бошлиқларига вилоятдаги 1041 та маҳалла бўлиб берилди. Вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари ҳам МФЙларга бириктирилди. Улар эндиликда фуқаробай, хонадонбай, маҳаллабай тизимда фаолият олиб борадилар.

Президентимиз ташрифлари ҳамда юртимизда кейинги 3-4 йил ичида амалга оширилган ўзгаришлар ҳақида **фермер Шодибой ТЕМИРОВ** тўлқинланиб сўзлади:

— Бутун умрим далада ўтаётгани рост. Аммо бунақасини кўрмаганман. Рости, қишлоғимизда бирорта тегирмон ҳам йўқ эди. Ўзимизнинг қишлоқлик тадбиркор Мўминжон Йўлдошев туғилган маскани учун, тумани учун, юрти — Ватани учун зўр ишларни қилди, қиляпти. Лоғон шаҳар бўлиб кетди. Пахта заводи, тўқимачилик фабрикаси, чарм маҳсулотлар ишлаб чиқариш фабрикаси... Яна пахтани толага, чигитни кунжара, шелухага ажратадиган цех, ўсимлик мойи чиқарадиган шоҳобча ишга тушаяпти. Ҳозир икки минга яқин одам ишли бўлган бўлса, яна минг-минглаб ишчи ўринлари яратилишига шубҳа йўқ.

Шундан сўнг, **Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Мўминжон ЙЎЛДОШЕВ**нинг қилинган, қилинаётган ўзгаришлар тўғрисида фикрлари билан қизиқдик:

— Бизнинг Фарғона тумани, Лоғон қишлоғида умуман бирорта ишлаб чиқариш цехи ёки объекти бўлмаган. Молқўй боқиб, далада меҳнат қилиб келганмиз. Мана, кейинги 3-4 йил ичида қатор ишлаб чиқариш обектларини қурдик ва ишга туширдик. Давлатимиз томонидан яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаландик. Бундай қулайликлар Ўзбекистонда ғоят содда, ихчам қилиб яратилгани бизга қўл келаяпти.

Мен кўп чет элларда бўлганман. Оддий бир ишлаб чиқариш цехи учун ўша Дубайда ҳам, Европа мамлакатларида ҳам ойлаб югурасиз. Кейин бу ҳужжат ишларига 10-15 минг доллар маблағ сарфлайсиз.

Чарм маҳсулотлари тайёрлаш, тўқимачилик корхонасида ҳозирги кунда тўрт минг нафар одам ишлаяпти. Уларнинг етмиш фоиздан кўпроғи ёшлар. Яна янги корхонамиз битяпти. Унда ҳам янги иш ўринлари яратилади, — деди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Фарғонада ёшларга яратилаётган шароитлар, ўқиш-ўзлаштиришларда қилинаётган амалий натижалар борасида гапирар экан, ёшларнинг фикри билан қизиқди.

Садафбек ҲУСАНБОЕВ, Фарғона вилояти лойиҳалар фабрикаси менеджери:

— Вилоятдаги мавжуд коллежлар, касб-ҳунарга йўналтирилган ўрта-махсус ўқув юртларида ўқувчилар учун ётоқхоналар барпо этиб, улар учун қулай шароит яратишни мақсад қилганмиз. Шунда ўқувчиларнинг эмин-эркин билим олишларига имкон яратилади, улар ижарада яшаш ташвишидан холи бўлади.

Президентимиз фарғоналик ёшларнинг замонавий, илғор лойиҳаларни амалга оширишларида — Хитой Халқ Республикасига бориб тажриба алмашиб келиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Айниқса, **ёшлар етакчиси Бобурбек МЎМИНОВ**нинг қатъий фикрлари Президентимизга маъқул келди.

— “Фарғона азот” заводида ёшлар етакчиси бўлиб ишлардим. Вилоят Кенгаши сессиясида Президентимизга биз – ёшларга яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида гапирдим. Ўша онда мени Президентимизнинг ўзлари Фарғона шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасига тайинладилар. Ҳаётимда янги кун, янги саҳифа очилди. Бу юксак ишончни оқлаш учун бор куч-ғайратимни, билим ва малакамни сарфлайман, — деди Б.Мўминов.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташрифнинг иккинчи кунида Фарғона шаҳридаги “Шодиёна” МФЙга борди.

— Хаёлимизга ҳам келмаган эди, тушимизга ҳам кирмаган эди, — дея ўз хаяжонини яширмай сўзлади шу маҳаллада яшовчи фаол аёллардан бири. — Кўриб, кўзимизга ишонмасдик. Қарасак, Президентимиз юрибдилар. Биз Юртбошимизни кўриб, ҳол-аҳвол сўрашиш, хонадонимиз ёнида учрашиш бахтига муяссар бўлдик. Ишонинг, бизнинг маҳалла қанчалар бахтли маҳалла!

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг кутилмаганда режалаштирилмаган, ташриф доирасида бўлмаган тарзда бу маҳаллага бориши, барча катта-кичик раҳбарларни шошилтириб қўйди. Халқ ичига кириш ана шундай бўлади! Энг муҳими, бугун “Шодиёна” маҳалласида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Маҳаллани обод қилишга ҳамма киришган.

Лекин... Президент боргунича нега масъуллар жим эдилар? Улар шу юмушларга олдинроқ нега киришмаган эди?

Ҳамма жумбоқ ана шунда!

С. ДАДАХЎЖАЕВ,
“Водил ёғдуси” газетаси муҳаррири.

ТАДБИР

Ҳар қандай давлат ва жамият истиқболи баркамол ёш авлодга, унга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка, яратилаётган шарт-шароит ҳамда имкониятларга бевосита боғлиқ.

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Навоий шаҳри ҳокими, биринчи сектор раҳбари Муҳиддин Бозоровнинг 5-умумтаълим мактаби мажлислар залида бўлиб ўтган сектор ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлар билан учрашувида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбир қатнашчиларига якунланган 2020 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида амалга оширилган ишлар ва жорий йил учун белгиланган вазифалар хусусида:

— Ўтган йили навоийлик ёшларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўқиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришлари йўлида жиддий ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Бунёдкор” маҳалласида ёшлар кичик саноат зонаси барпо этилиб, 38та лойиҳа ишга туширилди. Ёшлар учун яратилган мазкур тадбиркорлик субъектларида замонавий илғор технологиялар асосида экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Бу йил ҳам ёшларга янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни жорий этиш ишлари давом эттирилмоқда, — деди М.Бозоров.

Отабек АСЛОНОВ.
Навоий вилояти.

ТАРБИЯ МАСКАНЛАРИДА

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 12-сон давлат мактабгача таълим ташкилотининг 2-гуруҳ тарбияланувчилари томонидан ўтказилган улуғ боболаримиз Мир Алишер Навоий ва Мирзо Бобур таваллуд айёми тадбирлари барчага завқ бағишлади.

Улуғ боболар болажонлар талқинида

Ушбу масканда жами 125 нафар бола тарбияланади. Жажжи болакайларнинг миллатимиз қадриятлари, урф-одатлари, миллий анъаналарни ўрганиб, кўнглида ўз ватанига меҳр, садоқат туйиб, улуғ боболаримиз маънавий меросидан баҳраманд бўлиб вояга етишида мазкур боғчанинг ҳам ўз ўрни бор.

Саҳналаштирилган байрам тадбирида болалар улуғларимиз ёзган ғазаллар, рубоийларни ёддан ифодали ўқиб беришди. Саҳна кўринишлари талқинида ёш Алишернинг Мавлоно Лутфий ҳузурига боргани, янги ёзган ғазали, яъни:

Оразин ёпғоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач қуёш... —

байтини ўқиб таҳсинга сазовор бўлгани намойиш этилди.

Шунингдек, болажонлар томонидан Мавлоно Лутфийнинг: “Агар менда имконият бўлса ўзимнинг 10-12 минг байтдан иборат форсий-туркий тилдаги достонимни ушбу икки байт ғазалга алмашган бўлар эдим”, деган Алишер Навоийга берган юксак баҳоси ҳақидаги ижро тадбир қатнашчиларига ўзгача кайфият улашди.

Феруза ҲАСАНОВА,
Гурлан туманидаги 12-сон ДМТТ тарбиячиси.

1-6.

ҲАР КУНГИ МАВЗУ, ҲАР КУНГИ МУАММО

Асримиз бошларида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг мамлакатимиз туғуруқхоналари, аёллар маслаҳатхоналари фаолиятига жорий этилган “Бехатар оналик” дастури бўйича чақалоқ дунёга келиши билан она бағрига бериладиган, она унга кўкрак тутадиган бўлди. Момоларимиз, катта авлод оналаримиз учун оддий ҳолат бўлиб келган бу талаб-қоида ХХ аср собиқ иттифоқ тиббиёти жорий этган тартиблар (қаранг, чақалоқ бир неча кун давомида онасидан алоҳида сақланиб, бу пайтда аёлга ўз сутини соғиб ташлаш буюрилар, боласи эса неча хил аёллардан соғиб олинган аралаш сутлар билан боқиларди!) туфайли кўп жойларда, айниқса, марказий шаҳарларда йўқолиб кетганди.

— Она фарзандли бўлгач, 20 дақиқа ичида болани эмизиши керак, – дейди тиббиёт фанлари номзоди Нигора Раҳимова. – Ҳатто, жарроҳлик йўли билан туғилган болани ҳам бу неъматдан маҳрум қилиб бўлмайди, чунки туғуруқ жараёнида ютилган ҳомила сувларидан ошқозон тизимини ҳимоялаш зарур. Бир неча томчи оғиз сути боланинг қорнини тўйғизиш учун эмас, микробларни дезинфекциялаш, она организмидаги касалликларга қарши курашувчи антителалар билан болани эмлаш учун хизмат қилади. Бу эса гўдакни 6 ой давомида қизамиқ, кўкйўтал, сувчечак каби хавфли касалликлардан асрайди. Она сутидаги фойдали моддаларни биронта сунъий бўтқадан тополмайсиз.

Юртимиз туғуруқхоналарида чақалоқлар дунёга келиши билан она бағрига берилиб, она сутидан баҳраманд бўлиши қатъий жорий этилгандан уч-тўрт йил ўтиши билан аёллар оғиз сутидан баҳраманд бўлиб, дастлабки ярим-бир йилда фақат ўз онасининг сути билан катта бўлган болалари олдин туғилган (яъни, илгариги тартибларга кўра, ҳаётининг дастлабки бир неча кунида онаси ва ўз онасининг сутидан ажратиб қўйилган) ўғил-қизларига нисбатан соғлом ва бақувват катта бўлишаётганини эътироф эта бошладилар. Бунинг боиси – она сути илоҳий неъмат экани ва унинг мўъжизаларини замонавий фан тасдиқламоқда.

Мутахассис олимлар изланишлари хулосасига кўра, она сути — гўдак вужудидаги ҳар қандай танқисликни қондирувчи универсал таом. Гўдак лабини кўкракка теккизганда, она организми бола жисми эҳтиёжманд бўлган моддаларни аниқлаб, уни етказиб бераркан. Ҳатто, она организми чала туғилган, касалманд ёки оддий сувсаган мурғак учун индивидуал равишда турлича, уларнинг ўзига муносиб сут ишлаб чиқаради. Она сути таркиби ўсиб бораётган боланинг жисмида бўладиган физиологик ўзгаришлардан келиб чиқадиган янги талабларни қондиришга мослашиб ўзгариб бораркан.

Интернет хабарларига кўра, Америкада икки аёл бир вақтда кўзи ёриб, бири ўғил, иккинчиси қиз фарзанд кўришади. Ҳамшираларнинг эътиборсизлиги туфайли қайси чақалоқ қай бир аёлга тегишли эканини аниқлаш муаммо бўлиб қолади. Бу чалкашликлардан хабардор бўлган оналар (гарчи кўз ёриган вақтидаёқ боласи қиз ёки ўғил эканини эшитган бўлсалар-да)нинг иккаласи ҳам “Ўғил – меники” деб сўзларида туриб оладилар. Қарангки, ДНК таҳлилларида иккила тарафнинг ҳам кўрсаткичлари бир-бирига жуда яқин, ўхшаш чиққани боис, шифокорлар хулоса қилишга иккиланадилар. Муаммо ечимига жалб қилинган олий тоифадаги мутахассислар ҳам кўп ўйланишгач, бу масалада шайхдан маслаҳат сўрайдилар. “Иккала онанинг сути таркибини ўрганинглар, қай бирининг сути тўйимлироқ, таркиби бойроқ бўлса, у – ўғил чақалоқнинг онаси бўлади”, дейди шайх. Шифокорлар шундай қилишади. Текширилганда, ҳақиқатан ҳам, бир онанинг сути иккинчисига нисбатан анча суюқ, таркибида қувватли элементлар оз эди. Бу жараёнлардан хабардор бўлиб ётган оналардан бири қиз чақалоқ ўзиники эканини тан олади, у – сути нисбатан суюқ бўлган аёл эди. Шунда олий даражадаги шифокорлар шайхдан нимага асосланиб бундай маслаҳат берганини сўрайдилар.

“Қуръони каримнинг Нисо сураси 11-оятида аниқ айтилган, – жавоб беради шайх. – Яъни, *“Аллоҳ фарзандларингизга (мерос тақсимида) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (беришни) буюради...”* Бандаларига ўғил болалар улушини икки баробар миқдорида тақсимлашни буюрган Парвардигори оламнинг Ўзи уларнинг ризқу насибаси ҳиссасини ҳам баландроқ қилганини тушуниш мантиқан қийин эмас”.

Бу ҳақиқатга ўзимиз ҳам кўп гувоҳ бўлганмиз: ўғил болага ҳомиладор бўлган аёлларнинг аксарияти қувватли овқатлар егиси келади; қизалоққа нисбатан ўғил чақалоқлар тезроқ, кўпроқ эмишини оналар яхши билишади.

Энди... юқоридаги далиллар нуқтаи назаридан мулоҳаза қиладиган бўлсак, ой-куни етиб дунёга келган ёки чала туғилган, гулбаргдек нозик жисмида ўз онаси организмининг ўзига хосликлари билан боғлиқ равишда талабу эҳтиёжлари ўзига хос бўлган ҳар бири митти (ҳа, фақат митти, холос!) олам – ўғилу қиз чақалоқларнинг барчасига қутисида фалон ойликдан фалон ойликкача бўлган гўдаклар учун мазмунидаги ёзув бўлган сунъий овқатлар (болалар “каша”си)ни едиравериш — бепарволик, билимсизлик, лоқайдлик. Болага бемеҳрлик десам, кимларнингдир дили оғриши мумкин. Ахир, биз — катталар қай бир таом танамиз, руҳиятимизни енгилу қувватли қилишини, яна бошқаси эса аксинча эканини яхши биламиз-ку. Ҳар бири ота-онаси, аждодларининг ирсияти, жисмоний ўзига хосликларини мерос қилиб дунёга келадиган жудаям нозик болага меҳрибон Аллоҳ шифою қувват қилиб яратиб қўйган она сути бўла туриб, бандаси ўйлаб топган сунъий овқатни бериш яхшими?!

Ёз кунларидан бири қишлоқдаги қариндошимизнинг йиғинида онаси кўтариб келган етти-саккиз ойлик қизалоқнинг йиғиси ҳеч тинмади. Бола нотинч, асабий, оз-оз сув ичарди-да, яна ғингшиб бетоқат бўларди. Ҳеч нарсага кўнмаётган қизчанинг бошдан-оёқ жуда чиройли, аммо сунъий матолардан тикилган кийимчалари мени ўйлантириб қўйди. “Бирорта тинч хонага кириб, боланинг кийимларини ечиб ташлаб кўринг-чи”, дедим. Ўзиям роса толиққан жувон қизини кўтариб чиқиб кетди-да, бироздан кейин кулимсираб кириб келди: “Кийимларини ечиб ташлаб эмизгандим, ухлаб қолди”. Бу дунёда ҳамма нарса, ҳар воқеа-ҳодисада ибрат бор. Ўшанда тушундимки, ҳалиги қизалоқ иссиқ кунда нозик баданини тоза ҳаводан тўсиб турган, матодан кўра чиройли қафасга ўхшаган кийимларининг озоридан бетоқат, нотинч бўлган. Тўққиз ой ҳомилалик даврида онасининг қорнида малҳамдек озуқалардан қон орқали баҳраманд бўлиб ётган гўдак дунёга келгач, унинг нозикдан-да нозик, нафисдан-да нафис, ҳали тўла шаклланиб ҳам улгурмаган ошқозон-ичак тизимига етти ёт озуқанинг кириб бориши, назаримда, гўдакнинг эгнига кийдирилган сунъий матолардан анча оғирроқ озору азоб беради; бу ҳол жисмоний-руҳий ривожланишига таъсир этиши турган гап.

Замон, одамлар, шароит, имкониятлар тинмай янгиланиб, ўзгариб бормоқда. Лекин чақалоқ учун она сутидан ҳам муносиброқ, фойдалироқ, унинг ҳар жиҳатдан яхши улғайишига восита бўладиган неъмат йўқлиги қуёш нуру ҳарорат, сув ва ҳаво ҳаёт манбаи экани каби ўзгармас ҳақиқат бўлиб қолаверишини биламиз-у... Статистик маълумотларга кўра, юртимизда эмизиш ёшида бўлган фарзандли аёлларнинг деярли ярми боласини сунъий овқатлар билан боқишади. Сабаби: кимгадир сути камдек туюлгани учун дилбандини тўлиғича сунъий овқатлантиришга ўтказиб қўя қолади; яна ким ўқишидан ёки ишидан, вақтинча бўлса-да, ажралгиси келмайди; биров семириб (ёки озиб) кетмаслик учун; давралардан, фаол ҳаётдан четлашиб қолишни истамай, гўдагига истаган пайтида истаган одам шишачада бўтқа тутишини ташкил қилиб қўядиганлар кўпайиб боряпти.

Болани сунъий овқатлантиришга ўтганда, айримлар ўйлагандек, онанинг “елкасидан тоғ қуламайди”, – дейди неонатолог шифокор Дилфуза Маликова. – Аксинча, бўтқани керакли ҳароратда, турли шароитларда тайёрлаш ортиқча ишни кўпайтиради, холос. Бўтқа солинадиган идиш, сўрғич кўп ҳолларда инфекция ўчоғига айланишининг ёмон, хавфли оқибатларига тез-тез дуч келамиз. Яна шуни таъкидлагим келади, ёш оналар боласини сабр-тоқат, меҳр билан тўғри эмизишни билмаганидан ҳам сути камайиб кетади. Она сути аввал сув, кейин оқсил ва ёғ қисмидан иборат, учинчи “порция” энг фойдалисидир. Шошма-шошарлик билан эмизилганда, гўдак насибасининг айнан ана шу қисмидан бебаҳра қолади. Айрим болалар ўйинқароқ бўлади. Шуни назарда тутиб, она шошилмай, ҳар икки кўкрагини ҳам 20-30 дақиқадан эмизиши, оралиқда гўдакни кекиртириб, яна эмизишда давом этиши керак. Икки кўкракдан чала-чулпа эмган бола, табиийки, сутнинг фақат суюқ қисмини ичгани учун қорни ғулдирайди, ичи кетади.

Она сути фазилатлари, хосиятлари, афзалликларини қизларга, ёш оналарга ҳижжалаб тушунтириш, англатиш, ўрни келганда айни борадаги муаммоларни билим, қатъият билан тўғри ҳал этиш – ҳар кунимизнинг долзарб вазифаси. Зеро, энг покиза, бегарду беғубор нарсаларга нисбатан “она сутидек ҳалол” деган ибора ишлатилади.

Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими.

Оналарнинг 95 фоизи организми боласи учун етарли кўкрак сути ишлаб чиқариш қобилиятига эгалиги олимлар томонидан исботланган.

Она сутида бошқа ҳеч қайси маҳсулотда учрамайдиган икки унсур – цистин (асаб тизими учун), таурин (ёғни парчалаш учун) бор.

Бутун дунё оналари фарзандини кўкрак сути билан боқса, ҳар куни жаҳонда 3500 нафар боланинг ҳаёти сақланиб қолар экан.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, она сутидан баҳраманд бўлган болаларнинг мактабдаги ўзлаштириш даражаси юқоридир.

Болани овқатлантиришда муаммо туғилса, қўни-қўшниларга эмас, шифокорга мурожаат қилинг.

ИЖОДИЙ САЁҲАТ

ФАРҒОНАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР – ХОРАЗМДА

Энди Фарғонадан Хоразмгача бўлган 1500 километрлик масофани 1 соату 40 дақиқада босиб ўтиш мумкин. “Uzbekistan Airways” авиакомпанияси томонидан Урганч–Фарғона–Урганч авиақатновининг йўлга қўйилгани ички туризмнинг ривожланиши учун яхши янгилик бўлди. Ана шу хушхабардан севинган бир гуруҳ фарғоналик журналистлар ўтган ҳафтада “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Муҳаммаджон Обидов ташаббуси билан қадимий Хоразм воҳаси томон йўл олди.

“Урганч” халқаро аэропортидан чиққан меҳмонларнинг нигоҳи дастлаб Ал-Хоразмий кўчасининг икки томонида жойлашган Ал-Хоразмий ва Ал-Беруний меъморий мажмуаларига тушади. Уларни томоша қила кўнгилдан не-не ҳислар ўтади: “Бу диёрда икки қомусий алломадан ташқари Замахшарий, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий сингари буюк инсонлар яшаб ўтган-а!

Хоразмга етти иқлимдан ташриф буюрадиган сайёҳлар Урганчда қўним топиб, кейин минг гумбаз шаҳри Хивага боради. Биз ҳам ана шу анъанага содиқ қолиб саёҳатни Урганч шаҳрининг қоқ ўртасида жойлашган Хоразм вилоят телерадиокомпаниясидан бошладик.

— Телевидение биноси Президентимизнинг ташаббуси билан бир йил аввал бунёд этилиб, қурилишига давлат бюджетидан 26 млрд. сўмлик маблағ ажратилган, — дейди Хоразм вилоят телерадиокомпанияси раиси Ўткир Матқурбонов. – Энди компанияни замонавий техник телеаппаратура ва бошқа асбоб-ускуна билан таъминлаш учун яна 40 млрд. сўм ажратиладиган бўлди.

Юксак дид билан барпо этилган квадрат шаклидаги катта бино ҳамда бу ерда теле ва радиожурналистлар учун яратилган шарт-шароитлар бизда катта таассурот қолдирди.

— Биз бундай замонавий усулда қурилган, сўнгги ахборот технологиялари билан таъминланган телестудия, телекомпанияларни Хитой, Кореяга уюштирган медиа-туримиз чоғида кўргандик, – дейди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Фарғона вилояти мухбири Маъсуджон Сулаймонов. – Эндиликда ўзимизнинг ҳамкасбларимиз ҳам худди шундай шароитларда ижод қилаётгани бизни қувонтирди. Бундай имкониятлар нафақат пойтахтда, балки ҳар бир вилоят телевидениеларида ҳам бўлиши керак.

Эртасига эрталаб жума куни троллейбусда “ҳайё-ҳайт” деб Хива шаҳрига отландик. Хивадаги илк ташрифимиз илм маскани – Хоразм Маъмун академиясига бўлди.

“ДОРУЛ ҲИКМА ВА МАЪРИФА”

2006 йили ЮНЕСКО шаъфелигида 1000 йиллик юбилейи нишонланган Маъмун академияси биносига “Наҳот шу маскан минг йиллик бўлса?! Ҳеч ўхшамайди, кеча қурилгандек” дея ҳайратланиб тикилиб турганимга жавоб ўлароқ бизга гидлик қилиб турган Раҳматжон Болбеков шундай изоҳ берди: “Биз турган бино ўз даврида фаолият юритган Хоразм Маъмун академиясининг айнан биноси эмас. Шарқнинг йирик илмий маркази ҳисобланган “Дорул ҳикма ва маърифа” Абул Аббос II саройида 1004 йили Абу Райҳон Беруний ташаббуси ва раҳнамолигида қурилган. 1924-25 йилларда миллий ҳудуд чегараланиши натижасида Хоразмнинг пойтахт шаҳри Гурганч (Кўҳна Урганч) Туркманистон ҳудудида қолган. Бироқ мерос, алломалар бизники бўлганлиги сабабли мустақилликдан кейин академия фаолиятини қайта тиклаш ва иложи борича давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Беруний, Ибн Сино, Абу Маҳмуд Хўжандий каби олимлар фаолият юритган бу муқаддас масканда айни пайтда 56 нафар ходим фаолият юритади, улардан 38 нафари илмий ходим. Академияда 3 та – ижтимоий-гуманитар, табиий ва аниқ фанлар бўлими, 6 та лаборатория, эксперименталь база, 128 номдаги нодир китоблар сақланаётган кутубхона, ноширлик бўлими ва музейдан иборат.

Сўнгги беш йилликда мазкур илм даргоҳида 4 та лойиҳа устида тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, “Бино ва иншоотлар зилзилабардошлилигини таъминлашнинг актив усулларини яратиш”, “Хоразм вилояти шароитида доривор ўсимликларни ўстириш ва улар асосида биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш”, “Қадимги Хоразм маросимлари, культлари ва дин тарихи”, “М-субгармоник функциялар ва уларнинг калибрланган геометрияга татбиқлари” каби масалалар устида изланишлар қилинган, маълум хулоса ва ечимлар берилган.

Демак, бемалол айтишимиз мумкинки, Хоразм Маъмун академиясидаги олимлар Беруний, Ибн Сино, Абу Мансур ас-Саолибий, Абул Ҳайр ибн ал-Ҳаммор, Абу Маҳмуд Хўжандий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳийларга муносиб ворислик қилмоқда. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик фаолияти ҳамон давом этмоқда.

ИЧАН ҚАЛЪА ВА ДИШАН ҚАЛЪА

Кўҳна Хивани бойлар, хонлар яшаган қисми – Ичон қалъа (Ички қўрғон) ҳамда ҳунармандлар, косиблар яшаган Дишон қалъа (Ташқи қўрғон)сиз тасаввур этиб бўлмайди. “Очиқ осмон остидаги музей”ни бир кунда айланиб, тарихнинг олис пучмоқларига мўралашнинг имкони йўқ. Ахир, 26 гектарли Ичан қалъа – Шаҳристоннинг ўзида 54 та тарихий меъморий обида бор.

Сафаримиз давомида Оқ масжид, Жума масжид, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Оллоқулихоннинг Тош ҳовли саройи, Ислом Хўжа, Муҳаммад Аминхон ва Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасалари, Кўҳна Арк, Калта минор каби минг йиллик тарих ва аждодларимиз қудратидан сўзловчи қадамжоларни зиёрат қилдик. Меннонитлар музейи, биринчи ўзбек фотографи Худойберган Девоновнинг кўргазма зали, Нуриллабой саройи ҳам ҳар биримизда олам-олам таассуротлар қолдирди.

— Журналистлар учун бундай медиа-тур, саёҳатларнинг кўпроқ ташкил этилиши фақат манфаатли бўлади, – дейди “Халқ сўзи” газетасининг Фарғона вилояти мухбири Ботир Мадиёров. – Журналист тарихдан, халқ ҳаётидан, ҳамкасблари фаолиятидан қанча хабардор бўлса, ёзганлари ҳаётий, пишиқ-пухта, ўқишли бўлади. Хоразм диёрига саёҳатимиздан ўзим учун янги билимлар олдим, шунга яраша янги ғоя ва мавзулар топилди.

“Юрган – дарё, ўтирган – бўйра” мақолига амал қилдиг-у, Хоразм давлатчилиги, аҳоли турмуш тарзи, маданий ҳаёти билан боғлиқ кўплаб осори-атиқалар, меъморий обидалар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик. Ҳамкасбларимиз билан кечган саёҳатимиз қисқа, аммо мароқли, қизиқарли воқеалар, таассуротларга бой бўлди.

Севара АЛИЖОНОВА,
“Hurriyat” мухбири.
Суратни Элёр ОЛИМОВ олган.

ҲУДУДЛАРДА

Ҳоким таҳририятда бўлди

Маълумки, Юртбошимизнинг Фарғона вилоятига қилган ташрифидан сўнг бир нечта туманларга янги ҳокимлар тайинланди. Жумладан, саноатда, ишлаб чиқаришда бошқа туманларга нисбатан ортда қолаётган Ёзёвон туманига ҳам янги ҳоким қўйилди.

Табиийки янги раҳбарлар ўз тумани билан танишиш мақсадида ҳудудидаги деярли барча корхона ва ташкилотлар, муассасалар фаолияти билан қизиқади, ўз кўзи билан кўришга ошиқади. Даставвал, энг муҳим ташкилотларга қадам қўйиши ҳам ҳаммамизга аён. Янги ҳоким Дилшоджон Жалилов ҳам тез тиббий ёрдам сифати, халқ таълими бўлими шу билан биргаликда маънавий иммунитетни шакллантиришда бош воситалардан бўлиб келаётган Ёзёвон туман ҳокимлиги нашри “Марказий Фарғона“ газетаси таҳририятида бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишди.

“Журналистларнинг эркин ижод қилишлари учун муносиб шарт-шароит яратишимиз зарур”, деди янги ҳоким.

Бу Д.Жалиловнинг аввалдан матбуотга ижобий муносабатда бўлиб келганлигини билдиради. Истаймизки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳоким туманимиз ишлаб чиқариш каби соҳаларда бироз оқсоқ бўлса-да, журналистика бўйича бошқа туманлар, ҳатто айрим шаҳарлардан ҳам олдинда эканлигига амин бўлганлигини мамнуният билан айтди.

Шу билан биргаликда газетада берилаётган материаллар географияси, чоп этишда муаммолар бор-йўқлиги билан қизиқди. Таҳририят биносини кўздан кечирар экан, газета учун замонавий шарт-шароитлари бор бино зарурлигини таъкидлади.

— Менга газета ва ҳокимлик ўртасидаги доимий ҳамкорлик муносабатлари маъқул бўлди. Бундай муносабат фуқароларнинг ҳокимликка бемалол мурожаат қилиши, муаммоларига тезроқ ечим топиши, қолаверса, туманнинг ҳар томонлама ривожига катта хизмат қилади. Мен газетамизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман, — деди туман ҳокими Д.Жалилов.

Камолиддин РЎЗИМАТОВ,
ЎзЖОКУ талабаси.

ИККИНЧИ ФИКР

Бугунги матбуот “ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ”ми?

Бир пайтлар матбуот чиндан ҳам “Тўртинчи ҳокимият” эди. Газета ва журналларнинг адади ҳам анчайин юқори эди. Айниқса, газета ё журналда танқид бўлган соҳа ёки раҳбар бўлсин, албатта, кўтарилган мавзу чуқур ўрганилиб, тегишли тартибда аниқ ва кескин чоралар кўрилиши тайин эди.

Анча йиллар аввал “Қишлоқ боласига яйлов керак” сарлавҳали мақолам “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Yoshlar ovozi”) газетасида чоп этилганди. “Yosh kuch” журналида эса илк ҳажвий шеърим чиққан (Худойберди Тўхтабоев бош муҳаррир, Хуршид Дўстмуҳаммад эса ўринбосар бўлиб ишларди А.Т.). Шу-шу журналист бўлишга аҳд қилдим. Ростини айтсам, у даврларда газеталар сони бармоқ билан санарли бўлса-да, адади тош босарди.

Маълумотларга қараганда, бугунга келиб юртимизда 1800 га яқин даврий нашрлар мавжуд. Ҳукумат нашрларидан ташқари, партиялар, ҳуқуқий органлар, турли МЧЖ ва хусусий нашрлар, эҳ-ҳей, санайверсанг бармоғинг етмайди. Аммо афсусланарлиси, кўпгина газеталарнинг “бор ё йўқ”-лигини билмайсиз бугун. Чунки газета-журналларнинг сони кўпайгани билан, салмоғи камайиб, жамиятдаги ўрни ҳаминқадар бўлиб қолди.

Эсимда, бир-икки йил бурун иш юзасидан Каттақўрғон шаҳрига боргандим. Шаҳардаги нуфузли бир заводда хизмат сафарида юрсам, бир “мухбир” қўлида овоз ёзиш матоҳи, отаси тенги завод директорини дўқлаяпти. Суриштирсам, блогер экан. Секин ёнига бориб: “Бунақа муомала қилманг-да, касб этикаси бор, десам: “Ўзим биламан, менга ўргатманг”, деб менга ҳам ўдағайлади.

Тақдир тақозоси билан ўша завод директорини Тошкентда учратиб қолдим: “Эсингиздами, ҳов ана у “мухбир” бола бор эди-ку, менга дўқ қилган. Ўша товламачилик қилиб қўлга тушиб, қамалиб кетибди”, деб қолди. Эҳ, аттанг, не кунларга қолдик...

Хусрав Деҳлавийнинг:

Таъма илинжида сўзласа бахши,
Оғзига тупроқ тўлгани яхши, —

деган пурмаъно сатрлари ёдимга тушди. Матбуот таъмагирлик қиладиган даргоҳ эмас-да, бу даргоҳда ҳалол-пок юрган киши ютади.

Аввало “Тўртинчи ҳокимият” ошкоралик, ҳақиқат минбари бўлмоғи лозим, у халқ дардини айта олсин ва халқ корига ярасин.

Келинг, яна бир воқеани айтай. Анча йиллар аввал “Муштум” журналида Республика Халқ таълими вазири ўринбосари фаолияти танқид қилинди. Ўша пайтлари “Муштум” (афсуски, бугунги кунда ушбу журналнинг ҳам бор-йўқлиги ноаниқ! А.Т.) икки минг нусхада чоп этилар эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, анча катта ададда чиқадиган марказий газеталардан бири ўша ўринбосарнинг иш фаолиятини мақтаб, сурати билан чоп этди. Ана холос...

Юқоридагини ёзишдан мақсад “Тўртинчи ҳокимият” номига лойиқ бўлиши ҳам керак экан-да. Ўзингиз айтинг, муштарий энди қай бирига ишонсин? Журналгами ё газетагами? Аслида бу аҳолида матбуотга ишончсизлик туйғусини уйғотади.

Энг ачинарлиси, кейинги пайтларда айрим нашрлар маънавият тарқатувчиси эмас, балки мўмай даромад келтирувчи соҳага айланиб қолди. Кимнидир мақтаб, кўкларга кўтариб китоб ёзаётганлар ҳам журналистлар. Эсимда, менга ҳам келишганди, собиқ раиснинг фарзандлари отаси ҳақида китоб чиқармоқчи бўлишиб, “Сизни рози қиламиз”, дейишди. Устоз Ашурали Жўраевдан маслаҳат сўрадим, у киши: “бу вақтинчалик нарсалар”, деб эътироз билдирди. Ва мен ёзмадим. Аммо устоз-журналистлардан бири собиқ раис тўғрисида китоб ёзиб, чоп эттирди. Ҳатто, кўча-кўйда “китобим чиқди”, деб мақтаниб ҳам юрди.

Ростини айтсам, мақтанишга йўймангу, матбуотга ошно бўлиб кам бўлмадим, оқ ва қорани ажратадган, жамиятда адолат устувор эканлигини англаган журналистга айландим. Ҳозир ҳам уйимда қатор газета-журналларнинг тахламлари бор. Фарзандларим ҳам ўқиб туришади, бундан мамнунман.

Матбуот — муқаддас даргоҳ. Унда фақат яхши ниятли, халқ ғамида-дардида юрган инсонларгина ҳурмат-эътибор топади. Ана шундагина матбуотимиз ҳам “Тўртинчи ҳокимият” деган муқаддас номни оқлайди.

Акбар ТОВМУРОДОВ,
журналист.

ЁД ЭТИБ

Ҳамма ҳам ўзидан яхши ном қолдиргиси келади, албатта. Ҳаракати сабаб, бир касбнинг этагини тутиб, ўз таомилида касбига меҳр қўяди. Аммо барибир устоз мақомига эришиш осон эмас-да.

Касблар кўп. Бир-бирига ўхшамайди, серқирра. Аммо ҳар бир соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун унинг машаққатли меҳнатига чидаш керак. Шундай экан, бир касбни иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди. Ҳар бирининг ўз заҳмати бор.

Бироқ касблар ичида доимо эл назарида юриш, одамларнинг яхши ёки ёмон гапини эшитишдек яна бир касб борки, бу касб эгалари борига рози бўлиб меҳнат қилаверади.

Кимдир режиссёрлик соҳасининг тарихи узоқ эмас деса, бошқалар одам пайдо бўлганда режиссёрлар ҳам пайдо бўлган дейишади. Ким билсин, балки бу ишорада рамзий маъно бордир. Ахир режиссёр саҳналаштирувчи дегани, демак оддий оилада ҳам ўзининг борлигини англатиб турувчи аъзоларни саҳналаштирувчи бошқариб турмаса, бошбошдоқлик бошланади.

Умрини шу соҳага бағишлаган, телеспектакллар, видеофильмлар, телекўрсатувлар тайёрлаган устоз-режиссёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайбатилла Алиев телевидениенинг ростмана режиссёри эди.

“Буюк режиссёрлар” ишдами?

Ҳайбатилла Алиев 1996 йили мени телевидениега ишга олган, бу соҳанинг сир-асрорларини ўргатган, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Тўғриси, ҳали мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ устознинг таниқли грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг “Абадият қонуни” романи асосида саҳналаштирган кўп қисмли видеофильмини бир неча марта томоша қилганман. Аммо ўша даврларда видеофильмни режиссёр саҳналаштириши, бу касбининг масъулияти, машаққатли томонларини билмас, тасаввур қилмас эдим. Ҳатто тушунчам ҳам йўқ эди.

Телевидениега ишга кирганимдан сўнг, у ердаги ишлар, тасвирга олиш ва монтаж жараёнлари билан таниша бошладим. Шундай қилиб, сценарий билан ишлаш, актёрлар танлаш ва репитиция жараёнларининг ўзи анчагина машаққатли меҳнат эканлигини тушуниб етдим. Ҳайбатилла Алиев бош режиссёр бўлган “Адабий драматик кўрсатувлар муҳарририяти”да атоқли, машҳур ижодкор режиссёрлар Мақсуд Юнусов, Маҳкам Муҳамедов, Эргаш Каримов, Мели Маҳкамов, Ҳамид Қаҳрамонов, Ғайрат Убайдуллаев, Эргаш Султоновлар ишларди. Уларга бош бўлишнинг ўзи бўлмасди-да. Бунинг учун инсондан билим ва салоҳият билан бирга катта тажриба ҳам талаб этиларди.

Ҳайбатилла Алиев ўз номи билан ҳайбатли, тўғри сўзни ҳар доим ва ҳар жойда айтадиган, жойи келганда ходимларини ҳимоя қила оладиган бош режиссёр эди. Шунинг учун, у кишини нафақат муҳарририятда, балки ўша пайтдаги Ўзбекистон телевидениесининг барча раҳбарлари, ижодий ва техник ходимлари ҳурмат қиларди. У кишининг йўталиб, томоқ қириб қўйишларида маъно бор эди. Гўё мавзудан четлашма, дегандек назар ташлаб қўярди. Гоҳида қаттиққўл, гоҳида юмшоқфеъл одам эди.

Юқорида айтиб ўтганимдек, таниқли режиссёрлар билан ишлай бошладим. Улар билан саломлашиш, бирга ишлашнинг ўзи шараф эди. Баҳс-мунозаралар, қизғин суҳбатлари фақат видеофильмлар, телеспектакллар, кўрсатувлар ҳақида, камчилик ва ютуқлар ҳақида бўларди. Суҳбатларни аввалига узоқдан тинглаган бўлсам, кейинроқ уларнинг давраларига қўшилиш, кўплари билан бирга кўрсатувлар тайёрлаш менга ҳам насиб этди.

Бир куни катта мажлисда Ҳайбатилла акадан:

— Режиссёрларингиз қани? — деб сўрашди. Шунда Ҳайбатилла ака:

— Менда режиссёр йўқ! — деди қатъий оҳангда.

Раснинг жаҳли чиқиб:

— Бу нима деганингиз, редакциянгизда қанча режиссёр бор-ку, бирортаси ҳам мажлисда йўқ! — деса, Ҳайбатилла ака: “Менда режиссёр йўқ, улар бари “буюк режиссёрлар”, деб жавоб берди. Кутилмаганда кулги кўтарилди, раис ҳам кулиб юборди. Шундан кейин ҳар гал раис Ҳайбатилла акани кўрганда: “Буюк режиссёрларингиз бугун ишдами?” — деб сўрайдиган бўлганди.

Ҳайбатилла Алиевнинг телевидениеда тайёрлаган кўрсатувлари, концертлари, телеспектакларини санаб саноғига етишнинг иложи йўқ. Афсусланарли томони шундаки, уларнинг аксарияти “Олтин фонд”да сақланиб қолмаган. Устоз бир гапни кўп такрорларди.

Ҳайбатилла Алиевнинг телевидениеда “Телетеатр”нинг ташкил бўлиши ва ривожланишида хизматлари беқиёс. Айтишларича 1970-1980 йилларда ҳар душанба театр куни бўлган экан. Шу куни “Адабий драматик кўрсатувлар муҳарририяти”нинг ҳар бир режиссёри студияда ҳафта давомида бир телеспектаклни саҳналаштириб, душанба куни кечки дастурда тўғридан-тўғри эфирга берарди. “Телетомошабинлар ҳар ҳафта душанбани интизорлик билан кутишади, афсуски, кўп меҳнатларимиз ҳавога учиб кетяпти. Бу лентанинг етишмаслиги ишимизни “белига тепаяпти”, дерди Ҳ.Алиев.

Шунга қарамай, бугунги кунда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси архивида сақланган ва турли каналларда эфирга берилаётган спектакларнинг 90 фоизини Ҳайбатилла Алиев экранга кўчирган...

Устоз бир куни:

— “Халқимизда бўрини оёғи боқади”, деган гап бор. Режиссёрни ҳам оёғи боқади. Режиссёр ташқи ва ички ҳаётдан хабардор бўлиши учун юрт кезиши керак, — деди.

Шунданми, ўзи ҳам муҳарририятда кам бўлар, вақт топди дегунча турли тадбирларга, кўргазмаларга, кўпроқ театрга ошиқарди. Спектакларни ёзиб олгунга қадар эса камида беш-олти марта ўзи бориб кўрар, ҳар бир саҳнани деярли ёдлаб оларди. Бу ёзиб олишда қийинчилик туғдирмас, тасвирчиларга: “Ҳозир ўнг томондан чиқиб келади, ўртада турган бош қаҳрамонга эътибор беринг, йирик планда кўрсатамиз, кўзини, кўзини кўрсатинг”, деб кўрсатма берарди. Бу йирик планда дегани эди. “Томошабин актёрни юзини, кўзини кўриши керак”, деб уқтирарди.

Унинг аксарият нодир асарлар қаторида Нодар Думбадзенинг романи асосида ишланган “Абадият қонуни” ва Тоҳир Малик романи асосида яратилган “Сўнгги ўқ” кўп қисмли видеофильмлари телевидение олтин хазинаси бўлиб қолди.

Ҳайбатилла Алиев кўплаб шогирдлар тарбиялади. Улар билан суҳбатлашсангиз: “Бош режиссёр деса, кўз ўнгимизда Ҳайбатилла Алиев гавдаланади”, дейишади. Чунки устоз шогирдларига ҳар томонлама ибрат бўлган. У киши ҳар куни телевидениега кириб келаётганида қўлларида албатта уч-тўртта газета ва журнал бўларди. Хонасига кирганимизда ҳам ё газета, ё журнал ва ёки китоб ўқиб ўтирганини кўрардик. Баъзан, хориган пайтлари оромкурсида юзларида газета билан дам оларди.

Ҳайбатилла Алиевни ёдга олар эканман, бугунги кунда турли телеканалларда, хоҳ давлат, хоҳ хусусий каналлар бўлсин, уларда берилаётган ўта саёз, маънан яланғоч, тарбиявий аҳамияти йўқ кўрсатувлар, видеофильмлар, миллий сериалларни кўриб, бугун телерадиода Ҳ.Алиевдек зиёли, билимли режиссёрлар етишмаётганини сезиб қоламан...

Носир ЭРКАБОЕВ.

Бобур Мирзо ПАВОИЙ ХОНАДОНИДА



ТАРИХ ВА ТАЛҚИН

Ўтган ҳафта халқимизнинг икки буюк фарзанди, тарихда ўзларидан бетакрор ва ўлмас маънавий мерос қолдирган зотлар — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кунлари кенг нишонланди. Зеро, бу улуғ зотлар ҳаёти, ижодий олами улкан икки уммондир. Уларни қанча ўқисак, ўргансак, таҳлил этсак шунча кам.

Қуйида эълон қилинаётган тадқиқот ҳам улуғ боболаримиз ҳаётини, бетимсол маънавий оламини янада теранроқ ҳис қилишимизга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

1506 йилнинг қиши. Мурғоб дарёси ёқасида темурий ШАҲЗОДАлар Шайбонийхонга қарши биргалашиб курашиш маслаҳатига йиғилишмоқчи эди. Афсуски, ушбу машваратдан бирон натижа чиқмади. Машваратга тўпланган заиф, ожиз шаҳзодалар фақат ўз таккабурликларини намойиш этишди холос. Мурғобдаги машваратга Бобур ҳам таклиф этилганди.

Жангу жадаллар ичида юрган ёш ҳукмдор Ҳиротдан келган мактубни ҳаяжонланиб, севиниб қўлига олди. Чунки, ушбу мактубни Самарқандга Навоий ҳазратлари ёзиб юборган, унда Бобур Мирзога буюк шоирнинг истаклари акс этганди...

Сиёсат саҳнасига чиқиб, Мовароуннаҳрда кечаётган курашларда Самарқандни қўлга олган кунлари, Заҳириддин Бобур донғи шарққа тарқалган ўз даврининг фузалоси Навоийдан нома олгач, севинчини ичига сиғдира олмади. Негаки, у ҳам эндигина шеърлар ёза бошлаган, гоҳида тахт учун курашлар билан бўлиб, ижод нечанчидир даражага чиқиб қоларди. Ана шундай дамларда Бобур фақат сўзнинг боқийлигини ҳис этиб, Навоий давлат амалдорлигидан бежиз истеъфога чиқмаганлигини англагандек бўлди. Бироқ тақдир ёзиғи уни Андижондан Самарқанд тахтига бошлаб келган, бу йўлда кўп қурбонликлар берилганди. Қолаверса, иккинчи бор Самарқандни қўлга киритиб турган дамлар эди.

"Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати (мактуби — У.Б.) ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим. Орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим".

Хуллас, улар китобат — мактуб орқали дийдорлашдилар. Бу пайтда Хуросон пойтахти Ҳиротда турган Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасига хуросонлигу мовароуннаҳрлик шоирлар ижодидан ашъорлар тўплаётганди.

Самарқанд тахтига чиққан ёш подшоҳ ана шу зайл Навоий эътиборини тортган. Аммо... аммо Ҳиротдан "жавоб келгунча тафрика (ғалаён, парокандалик) ва ғавғо бўлди" дея "Бобурнома"да куюниб ёзганди муаллиф.

Чунки, Бобур иккинчи бор Самарқандни Шайбонийхонга топширишга мажбур бўлган эди. Бу орада Навоий ҳазратлари ҳам вафот этди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Бобур салтанати учун бўлган курашларда мағлублик аламини чекиб, Ҳиротга кетишга мажбур бўлади. Айнан Бобурнинг Ҳиротга боришига сабаб, юқорида айтганимиздек, 1506 йилнинг қишида Мурғоб дарёси ёқасида темурий султонлар Шайбонийхонга қарши биргалашиб курашиш маслаҳатига йиғилишмоқчи эди. Шу тариқа ўтадиган машваратга Бобур ҳам таклиф этилади.

Бобур келиши шарафига Ҳусайн Бойқаронинг барпо эттирган мадрасасида ёш темурий шаҳзода шарафига қабул маросими уюштирилади. Маросимда Хадичабегим, Поянда Султонбеги, Офоқбегим сингари маликалар ҳам иштирок қилишади. Бир муддат шу ерда бўлиб қуръон тиловат қилишгач, Хадичабегимнинг уйида меҳмон шарафига ош тортилиб зиёфат берилади.

Шу тарзда Бобур Ҳиротга келган куни Поянда Султонбегим уйида, иккинчи кун Боғи Навда, яна бир кун Боғи Жаҳонорода бўлиб, қолган кунларини эса Навоийнинг "Унсия" номли ҳовлисида ўтказади. Мирзо Бобур 1506-1507 йил воқеаларини ёзар экан, "Бобурнома"да шундай эслайди: *"Аввал менга Боғи Навда юрт тайин қилиб эдилар. Тонгласи келиб, Боғи Навда туштум. Боғи Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай, Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиридан чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим".*

Инжил анҳорининг ўнг тарафидаги Навоий яшаган ҳашаматли ҳовли Бобурга Алишербекнинг нозик дидли меъмор эканлигини англатарди. Айниқса, девор бўйлаб экилган Самарқанднинг оқ тераклари Навоийдан мактуб олган 1499 йилни ёдга солди. Ўшанда у мактубни ҳаяжонланиб ўқиганини хотирасига келтирди.

Алишербек Самарқандга йўллаган мактубини ана шу ҳовлида, қўш табақали эшикдан кириб бориладиган меҳмонхонасидаги китобларга тўла нурафшон масканда битганини Бобур сезиб турарди. Чунки, етти-саккиз йилдирки, ҳовли, ундаги хоналар Навоий ҳаётлигидагидек сақланиб келарди. Бобур Навоий ҳовлисида яшаб, у эккан мевали, манзарали дарахтлар оралаб юраркан, Алишербекнинг ғазалларини ёдига келтирар, ўзи ҳам рубоийлар битарди.

Бадиуззамон уни Боғи Жаҳонорога чорлагач, бориб у билан учрашиб, вазият ҳақида суҳбат қурадилар. Эртаси куни бўлса Хуросоннинг бошқа ҳукмдори — Музаффар Мирзо уйига чорлайди.

Бобур темурийларнинг рақиблари — Шайбоний Хуросонга от солиб келаётган пайтда Ҳиротда шаҳзодаларнинг шароббозлик қилиб ишрат қилаётганини ёзаркан, ўзидаям чоғир ичишга майл бўлсаям, ўзини тута билганини таъкидлаб ўтади. Аниғи у олдинги куни бошқа ҳукмдор — Бадиуззамон уйида бўлганида шароб ичмаган, қолаверса, унинг ёши, нуфузи Бобурдан юқори эди. Энди эса бошқа ҳукмдор — Музаффар Мирзо уйида шароб ичишни у Бадиуззамонни пастга уриш бўлади дея ўзини тия олади. Ва шундай тўғри қарорга келади: "Бадиуззамон Мирзо била Музаффар Мирзо бир ерда бўлғонда иккала мирзонинг таклифи била ичилгай".

Шу тахлит Бобур Ҳиротдалик пайтида Музаффар Мирзо, Бадиуззамон Мирзолар яратиб берган шарт-шароитлар туфайли азим шаҳарни зиёрат қилди. Ҳиротда ўтказган йигирма кунни Бобур шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириш билан ўтказади. *"Чинор боғининг этагига солинган суратхонанинг шарқи-жануб сари ёнида кичикроқ оқ уй қурилиб эди. Гоҳи унда ўлтурур эрдим, анда мажлис бўлди, сўнгра Ғиёс масхара келди, неча қатла мажлисдан қутоиба тариқа буюрилдиким, ихрож қилдилар. Охир шалойи бўлиб, масхаралиқ била мажлисға йўл топди"* дея Ҳиротнинг машҳур қизиқчиси — Ғиёс масхара кўрсатган томошалардан ҳайратланиб қоғозга туширади.

Бобур Ҳиротда ўтаётган ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, шаҳарнинг деярли ҳамма жойларини томоша қилишга улгуради: *"Бу йигирма кунда машҳур сайргоҳлардин бир Султон Ҳусайн Мирзонинг хонақоҳидин ўзга ер кўрилмаган шояд қолмади экан"* дея ёзади муаллиф ўз "Бобурнома"сида.

Айниқса, Бобур шарафига атаб Музаффар Мирзо берган зиёфатдаги мусиқа оқшоми анча пайтларгача ёш ҳукмдорга таъсир қилиб юрди. Ўшанда Шайхий Нойи деган созанда, найдагина эмас, уд ва ғижжакдаям беназирлигини намойиш этади. Бадиуззамоннинг мусиқали зиёфатида Шайхий ва Қул Муҳаммад ўртасида баҳс бўлиб ўтади. Шайхий найда бир куйни чиройли қилиб чалгач, Бадиуззамон Қул Муҳаммаддан ҳам шу куйни ғижжакда чалишни сўрайди. Қул Муҳаммад эса ғижжакда бу куйни яхши ижро эта олмайди. Аммо буни тан олмай, "ғижжак ноқис соз" дея "айб"ни мусиқа асбобига юкламоқчи бўлади. Шунда Шайхий Қул Муҳаммаднинг қўлидаги ғижжакни олиб, ўша ўзи найда ижро этган куйни "хўб ва покиза" чалиб зиёфат аҳлини ҳайратга солади.

Ҳофиз Ҳожининг паст овозда ижро этган ашуласи, Жалолиддин Маҳмуднинг най, Шожди бачанинг чангда ижро этган куйлари, Миржон Самарқандийнинг эса "баланд ва дурушт ва бемаза" айтган хонишларини эшитиб, Бобур меҳмон сифатида ҳар бир тунни завқли ўтказади. Музаффар Мирзонинг "қишлоқи уйи"даги ўша зиёфатда Юсуф Али Кўкалтошнинг рақсларини, катта ва кичик Моҳ деган қулларнинг масхарабозликларини, Жонак хонанданинг уларга мос қўшиқларини эшитиб давра файзли бўлганини эслайди Бобур.

Ушбу зиёфат таърифи Бадиуззамонга ҳам етиб боради. Бобур ва унинг яқинлари шарафига берилган зиёфатда Бадиуззамон мавқеи, ёши катта бўлса-да, мезбонлик илтифотини кўрсатиб, 23 ёшли Бобурни ғоятда эъзозлади.

Оқшомларни шундай базмларда ўтказган Бобур, кундузи Юсуф Али кўкалтошнинг ҳамроҳлигида отда шаҳардаги жамики хиёбон, мақбара, масжид, мадраса, бозорларда сайр қилади. Муқаввийхонадек полвонлар кураш тушадиган усти ёпиқ майдон, созанда ва хонандаларга мўлжалланган Боғи Жаҳонородаги Савсанихона, Паҳлавон Муҳаммад учун Бойқаро қурдирган Неъматобод Ҳиротда Бобур қадами теккан масканлар эди ўшанда.

Шу билан бирга Бобур Навоий ҳазратлари ҳақида шундай битик ҳам ёзган: *"Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эмас. Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдир. Эл назокатини давлатнинг ғуруридан тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мизож экандур"...*

Бу пайтга келиб, Мовароуннаҳрни забт этган, Самарқанд тахтини Бобур қўлидан тортиб олган Шайбонийхон Хуросонга ҳам зарба ҳозирлаётганди. Шундай дамда рақибига қарши куч тўплаш ниятидаги Бобур Ҳиротда ортиқ қололмасди.

"Яна Ҳирийниким рубъ маскунда андоқ шаҳар йўқтур ва Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирийнинг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди..."

Бобур ана шу тараққий этган шаҳарда атиги йигирма кун бўлганидан, шаҳзодалар ўртасида манмансираш, ихтилоф борлигидан афсусланса-да, Навоий ҳовлисида яшаганидан қалби ғурурга тўлган, руҳи поки мададкор бўлишидан умидвор эди.

Хуллас, Бобур Навоий вафотидан сўнг Ҳиротга келган бўлса-да, Алишербекни кўрган, у билан суҳбатдош бўлган кишилар даврасида бўлди, улар билан дийдорлашди...

Бироқ бу дийдорлашувлар кўпга бормай, у гўзал Ҳиротни тарк этишга, Қобулга кетишга мажбур бўлди.

Умид БЕКМУҲАММАД

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган давлат гранти "Инсон манфаати — тараққиёт пойдевори" лойиҳаси асосида чоп этилмоқда. (С/12)

МУЛОҲАЗА

Ижтимоий тармоқларда жорий йилнинг 19 январь куни ўгай отасига пичоқ билан жароҳат етказган ўғилга нисбатан жиноят иши қўзғатилгани тўғрисидаги хабарни ўқиб қолдим.

500 МЕТР кам эмасми?

Хабарда айтилишича, Тошкент шаҳридаги Учтепа туманида яшовчи 32 ёшли Отабек 52 ёшни қоралаган ўгай отаси — Воҳид аканикига келади. Аммо ичкиликка ружу қўйган ота меҳмон бўлиб келган ўгай ўғлини спиртли ичимлик билан сийлайди. Бу оиланинг беқарорлиги шундан ҳам маълум. Натижада кайфи ошган ота-бола бир-бири билан гап талашиб қолади. Ота отаман деса, ўғил ҳам, гўё сендан ақлликмас деганда, бир гапдан қолмайди. Оқибатда ғазабини босолмаган ўгай ўғил столда турган ошхона пичоғи билан отасини пичоқлайди...

Энди кўз ёш қилиб: "Маст эдим, билмай қолдим, мени кечиринглар", дейиши билан жароҳатлар битиб кетармиди?.. Ўзи ғалвирга илиниб турган томчидек оила ўртасидаги бир чимдим меҳр-оқибат ҳам ичкилик туфайли чил-парчин бўлиб кетди. Йўқ, ҳар не қилса ҳам энди уни тиклаш мушкул.

Содир бўлган мазкур аянчли воқеани ўқиб, кўз ўнгимда яқиндагина бўлиб ўтган бошқа бир воқеа гавдаланди.

Атрофга қоронғи тушганди. Ишдан уйга қайта туриб, "Сергели деҳқон бозори" ёнидан ўтаётувдим, "Вино-водка" дўкони олдидаги емакхона ёнида икки ёш йигит ва бир неча ўрта ёшли одамларнинг жанжалига гувоҳи бўлдим.

Ён-атрофдаги гап-сўзларга қараганда, барчаси емакхонада спиртли ичимлик ичишиб, маст бўлиб қолишган, арзимаган тортишув сабаб, муштлашиб кетишибди. Бозор атрофидаги тумонат одамлар бақир-чақирни эшитиб тўпланишган.

Ўйлаб қолдим, ҳозирги тезкор замонда спиртли ичимликлар савдоси қизиганга ўхшайди. Ҳар тўрт қадамда "Ароқ-шароб" дўконларига кўзингиз тушади. Минг афсуски китоб дўконларида одамлар жуда сийрак, аммо бу жойларда-чи, кун бўйи одамлар гавжум. Кейинги пайтларда спиртли ичимлик билан савдо қиладиган дўконлар ёнида эса мўъжазгина емакхоналар пайдо бўлмоқда. Спиртли ичимликлар дўкони таълим масканлари, мактабгача таълим муассасалари жойлашган ҳудуддан маълум масофада жойлашган бўлиши қонун билан таъминланган. Аммо спиртли ичимликлар дўконлари, асосан, кўп қаватли уйларнинг шундоқ яқинидаги ҳудудлардалиги ташвишли. Ахир шу уйларда минглаб болалар, ўспирин-ёшлар ҳам яшашади-ку.

Ўзим гувоҳи бўлганман, айни пайтда кексани кекса десанг, кўпгина ёшларнинг ҳам, худди салқин ичимлик ичгани келгандек, ошиқиб келадиган жойи спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган емакхоналар, дўконлар бўлиб қолмоқда. Балки бунга сабаб ҳар куни кўзи тушиб турадиган, емакхонадаги қувноқ кулгилар, шўх яллалару қийқириб рақс тушаётган ёшлардир?

Энг ёмони, ушбу дўконларнинг шундоққина ёнида жойлашган ошхона, кафе, барларнинг деярли барчаси санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди. Ахир маст-аласт кимсалар кир босган столларга, ювилмаган қошиқ, ликопча ва косаларга эътибор бермаслиги тайин. Ҳатто, ширакайф одам фарқига борармиди, деб, бу ерда яроқлилик муддати ўтиб кетган тузламаларни ҳам пуллаб юборавериши. Оқибатда эса майхўрлар, турли бактериялар сабаб, юқумли касалликлар тарқатувчисига айланиб қолишмоқда.

Қани энди спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган шахобчалар нафақат мактаблар, балки аҳоли яшаш пунктларидан ҳам 500 метр эмас, 2-3 километр узоқликда бўлса, ана шунда ичишга муккасидан кетган маст-аластлар сони кескин камаярмиди...

Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

НАВАЛНИЙ ВЕТЕРАНДАН КЕЧИРИМ СЎРАДИМИ?

Уруш қатнашчиси, 94 ёшли Игнат Артеменконинг оиласи, Адлия вазирлиги таркибига киритилган Коррупцияга қарши кураш жамғармаси (ФБК) асосчисидан маънавий зарар учун товон пули тўлашни режалаштирмаганлигини айтди. Алексей Навалнийдан фақат туҳмат учун узр сўрашни талаб қилади.

"Энг муҳими, кечирим сўраш, бошқа ҳеч нарса керак эмас. Ўйлайманки, ҳамма буни хоҳлайди", — деди у. Артеменко, шунингдек, унинг отаси ҳозирда ўзини "озми-кўпми нормал" ҳис қилаётганини ва уйда эканлигини айтди. Аввалроқ прокурор Екатерина Фролова Навалнийдан фахрийга туҳмат қилганлиги учун давлат фойдасига 950 минг рубль миқдорида жарима талаб қилгани ҳақида хабар берилган эди. Ушбу ҳолат бўйича ҳукм шу йилнинг 20 февраль куни эълон қилинади.

Прокуратура маълумотларига кўра, 2020 йил 2 июнь куни Навалний Телеграм каналида ва "Twitter"даги саҳифасида Артеменко, дизайнер Артемий Лебедев, актёр Иван Охлобистин ва Олимпиада чемпиони Аделина Сотникова ўзларининг фуқаролик позициясини билдирган видеони кўрганди. Навалний видео иштирокчиларини порахўр, уятсизлар ва хоинлар деб атаганди.

СОХТА ТЕРРОРЧИ
ЗЕЛЕНСКИЙНИНГ ОТА-ОНАСИГА ТАҲДИД ҚИЛИНДИ

Полиция 59 ёшли нафақахўрни ҳибсга олди, у телефон орқали Украина президенти Владимир Зеленскийнинг ота-онаси квартирасини портлатиш билан таҳдид қилди.

Бу 15 февраль — душанба куни кечқурун содир бўлган. Полиция квартира эгалари ва уларнинг қўшниларининг ҳаёти хавф остида эмаслигига ишонч ҳосил қилди ва шундан кейин улар тажовузкорни аниқладилар.

Маълум бўлишича, у ишламайдиган маҳаллий фуқаро бўлиб, уйидан спиртли ичимлик аломатлари топилган. Ҳуқуқбузарнинг СІМ-картаси ва телефони тортиб олинди. Полиция сохта террорчи пенсияси (2000 гривнани, 5,2 минг рубль) миқдоридан норози эканлигини айтди. Унинг таъкидлашича, у ҳеч нарсани портлатишни режалаштирмаган, фақат президент билан гаплашмоқчи бўлган. "Фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид, мол-мулкни йўқ қилиш ёки бузиш тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш" моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, олти йилгача озодликдан маҳрум қилишни назарда тутади.

Украина президентининг отаси Александр Зеленский 1947 йилда туғилган. Техника фанлари доктори, университетда дарс беради. Онаси Римма Зеленская нафақада.

ЯПОНИЯДА ТАШЛАБ ЮБОРИЛГАН ВАКЦИНАЛАР

Японияда "Pfizer и BioNTech" томонидан ишлаб чиқарилган COVID-19 вакцинасининг бир қисми ташлаб юборилди. Бунинг сабаби махсус шприцларнинг етишмаслиги билан изоҳланди.

"Pfizer"нинг битта вакцинаси олтита инъекция учун мўлжалланган, аммо олтита дозани олиш учун, инъекциядан кейин препаратнинг оз миқдорини ушлаб турадиган махсус шприцлар керак.

Стандарт шприц билан фақат бешта инъекция қилиш мумкин. Ва бу шуни англатадики, ушбу фармацевтика компаниясидан Япония буюртма қилган 72 миллион одам ўрнига, 60 миллионга яқин одамни эмлаш имконияти бўлади.

Препаратнинг ишлатилмаган қисми утилизация қилинаётгани маълум қилинган.

Япония Соғлиқни сақлаш вазирлиги 14 февралда вакциналардан фойдаланишга рухсат берди. 16 ёшдан катталар дори билан эмланиши мумкин. Тиббиёт ходимларини эмлаш бугундан, яъни 17 февралдан бошланади.

300 ЙИЛ ИЧИДА БИР МАРТА ТАНАЗЗУЛ

Британия иқтисодиёти 2020 йилда 300 йил ичидаги энг ёмон таназзулни бошдан кечирди. Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий таназзул 1709 йилдан буён қироллик учун энг ёмони бўлди.

Англия банки жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат ялпи ички маҳсулоти қисқаришини кутмоқда. Бироқ, кейинчалик коронавирусга қарши катта миқдордаги эмлашлар туфайли Британия иқтисодиёти тез суръатлар билан тиклана бошлайди. Англия банки 2020 йил охирида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 9,9 фоизга пасайганини эълон қилганди. Таназзул иқтисодчилар кутганидан ҳам аянчлироқ эди.

РУС ТИЛИДА ГАПИРГАНИ УЧУН ПИЧОҚЛАНГАН СИЁСАТЧИ



Киевда сиёсатчи рус тилида гапиргани туфайли пичоқланди. Олег Гелевей ва дўсти русча гапирган инсонга кўплаб пичоқ жароҳатлари етказишди, бунга унинг официант билан украин тилида гаплашмагани сабаб бўлди.

Ҳодисадан кейин собиқ депутат сўроқ қилинган ва қўйиб юборилган, жабрланувчи касалхонага ётқизилган. Жиноий иш қўзғатилган. Бироқ Украина суди одатда миллатчилар билан жуда юмшоқ муомала қилади. Бундан ташқари, Гелевей фақат хизмат соҳасида украин тилидан бошқа тиллардан фойдаланишни тақиқловчи тил тўғрисидаги қонунга риоя қилишни талаб қилганини таъкидламоқда.

Интернет хабарлари асосида Г.МАТЁҚУБОВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани 82-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Юлдашев Отабек Тулкуновичга 1989 йилда берилган Б-№298292 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 315-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Абдумавлонов Иззатжон Музаффар ўғлига 2017 йилда берилган U № 8126394 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент давлат Халқ хўжалиги институти (ҳозирги Иқтисодиёт университети) томонидан Шукуров Шамсиддин Нарзуллаевичга 1989 йилда берилган YP-I № 042237 (рег. Рақами №2474) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 300-мактаб маъмурияти шу таълим даргоҳини 2020 йили тамомлаган Турсунтошев Азамат Бахром ўғлига берилган ТМ № 0911457 рақамли шаҳодатнома хато ёзилгани учун **ҳақиқий эмас** деб ҳисобланишини маълум қилади.

ҲАВАС ЭСКИРМАЙДИ

ёки 130 йил қарамлик ва 30 йиллик озодлик масофаси

1 Жуда чуқурлашсак, техника тараққиётининг ундан бошқа ҳам минг бир найранглари бор. Лекин биз (Агар бу тараққиёт бир куни ўз бошини ўзи еб, ҳаёт дегани бощдан — одамзот ибтидосидан бошланмаса) бугунимизга ҳарчанд эътирозимиз бўлса-да, орқага қайтолмаймиз. Ўчоққа олов ёқиб, қозонда овқат пиширишнинг мазаси, қулайлигини билган одам тошларни бир-бирига ишқаб учқун чиқарган, хом-хатала гўштни емиш билиб тановул қилган даврларига, ўлса ҳам қайтмайди. Ёки шам ёғдусида ўтириб суҳбатлашиш, ғазал ўқиш қанчалик романтик ҳолат бўлмасин (йигитлар қизларга муҳаббат изҳор қилган лаҳзаларни ҳисобга қўшмасак), бу романтика учун электр чироғидан, пиёда юриш нечоғли саломатлигимизга фойдали бўлмасин, манзилимизга олиб борувчи автоуловдан воз кечмаймиз. Айтайлик, кўзингизнинг оқу қароси бўлган ўғлингиз Хоразмга кетди. “Бу — сунъийлик”, дея у билан интернетда бир-бировингизни кўриб суҳбатлашишдан қочмайсиз-ку. Жонжон деб экрандаги суратига юзингизни босиб соғинчингизни ёзиб, хумордан чиқасиз.

— Тўғри, буларни мен ҳам инкор этмоқчи эмасман, бироқ, шундай ғала-ғовурда, одамлар бир-бирини ўқишмас, ҳатто тингламайдиган бир замонда айнан сиз учун ёзишнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини билмоқчи эдим?

— Нима демоқчиман? Одамзотнинг, шу жумладан, бугунги авлоднинг ҳам техникага ёпишиб олганига табиий жараён деб қараш керак. Уларнинг техника билан ақлли муносабатга киришишларига ёрдам бериш учун бу даврда биз аввалгидан ҳам кўпроқ масъулият билан ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Техникага қулликдан ҳам, бошқача қулликлардан ҳам халос қилишнинг йўли битта: айтиш, ёзиш, тушунтириш ва кўрсатиш... Фақат бу жараёнларнинг ҳаммасининг илдизи юракда бўлиши керак. Шунчаки айтган, ёзган, тушунтирган, кўрсатган билан қувонарли натижага эришиб бўлмайди. Овозлар титраши, қорачиқлар порлаши, жон оғриши керак. Ёнингда турган, сен ўнгланишини истаётган одам сенинг у учун юрагинг қонаётганини, жонинг оғриётганини билиб турсин. Шундай ҳолатда ҳам “Менинг ёзишим ҳамма нарсани гул-гулистон қилиб юборади, техникага қул бўлган авлод дарров ўзини ўнглаб олади”, деган фикрдан йироқман. Эҳтимол, биттагина қалбга таъсир қилар, эҳтимол, бир яримтага, барибир ёзавераман. Ёзишим керак, бу — зарурият, бу — эҳтиёж. Ёзмаслик — хиёнат...

— Сиз икки асрнинг маданий, маърифий, ижтимоий ҳаётида пасту баландини кўрган авлодсиз. Айтинг-чи, бу асрнинг қиёфаси сизнинг ёшлигингиз ўтган асрдан нимаси билан фарқ қилади? Пайдо бўлаётган асарлар-чи?

— Мен Олтмиш аталмиш бир чекка қишлоқда туғилиб ўсганман. Уйимизнинг олдида катта тут бўларди. Баҳорда — айни ипак қурти боқиладиган паллада шохларида бармоқдек-бармоқдек келадиган қора тут шиғил-шиғил пишарди. Энам раҳматли: — Қурт даҳага кирди, дердилар. Бу тутнинг меваси уч кўчанинг (участкамизда учта кўча бўлиб, биринчи кўча бизнинг уйдан бошланар эди) болаларини тўйдирарди.

Аср қиёфасини унда яшаётган одамлар белгилайди. Лекин нафсиламрини айтганда, бутун бошли бир асрни (фақат ўзим яшаган даврни ҳам) бир қолипга солиб таърифлаб бўлмайди. Чунки ҳазрати инсонлар — Абдулла Қодирий, Чўлпонлар яшаган, улар миллат равнақи, озодлигини орзу қилган, шу орзуда “Ўткан кунлар”ни, “Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен-да ҳур туғилгонсен”ни ёзган даврлар ҳам йигирманчи аср эди. Уларни сотганлар, отганлар ҳам ўша асрда яшашган. Саксонинчи йилларга келиб ўзбеклар юрагида шеърияти билан ҳурлик соғинчини уйғотган шоирлар ҳам, “ўзбеклар иши “қатағони бошланиб, қаттолларга қилич тутганлар ҳам бир ҳаводан нафас олишган. Бизнинг асримизга “Техника асри” деб ном қўйишган бўлса-да, унинг бор қиёфасини техника белгилайди, деган фикрим йўқ. Айтмоқчи, сизнинг саволингиз бошқачароқ эди, узр, чалғибман. Менимча, бизнинг ёшлигимиз, болалигимиз ўтган даврларда (Гарчи буни ҳамма баравар англамаган бўлса-да) олдимизда катта бир мақсад бор эди: миллий мустақилликка эришиш. Айнан шунинг учун жамият қиёфаси энг уста рассом чизган асардай аниқ эди. Қизил, қора, яшил ранглар бир-биридан ажралиб, кўриниб турарди, ҳар бирининг ўз ҳудуди, ўз таъсир доираси бор эди. Асарми, марҳамат: “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар”, “Нур борки, соя бор”, “Тушда кечган умрлар”, “Боғдон қашқири”, “Қора камар”, “Мувозанат...” “Ўзбекистон” қасидаси, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” каби шеърлар... Рауф Парфи, Омон Матжон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим каби шоирлар. Ватан мустақиллигини қўлга киритишдек улкан орзу, улкан мақсаддан туғилган ижодкорлар ва худди шу ўлчамдаги асарлар... Чунки катта мақсадлар катта шахс ва катта адабиётни яратади. Эҳтимол, бугунга келиб ўша орзуларимиз бир қадар ушалгани учун бироз бўшашгандирмиз. Ахир, ўтган асрда ҳам жуда кўп юртдошларимиз қарамликда яшаганликларини англамай ўтиб кетишган-ку. Бугун ҳам миллий мустақилликнинг асоси ҳар бир шахснинг руҳий озодлиги эканлигини ҳамма ҳам тушуна олмаётгандир, балки, орзулаган замонларга етиб ҳам ўзимиздан кўнглимиз тўлмаётганининг сабаби шудир. Бекорга давлатимиз раҳбари Учинчи Ренессанс деган ғояни ўртага қўймади. Яна ўша гап: катта орзу, катта мақсадлар олдидан халқ ҳам улканлашади. Яшаётган асримизнинг қиёфаси ҳақида ўйласам, модерн рассомнинг қаламидан чиққан суврат кўз олдимга келади. Сени қувонтириб, ичингга ёруғлик соладиган нималардир бор, бироқ уларни ранглар қоришмасида аниқ илғай олмайсан. Тушунгинг, билгинг келади... Ҳарна бўлгандаям, бўйнимизни бўғиб турган қуллик сиртмоғининг бўшашгани барибир бўғзимизга тиқилиб ётган сўзларнинг овозланишига, сўзга айланиб асарларга кўчишига ёрдам беради, ношукур бўлмаслик керак. “Ўқи”, “Ёз”! деб турган асрдан норози бўлиш нонкўрнинг иши. Лекин сизнинг саволингиз замиридаги мақсадни тушуниб ҳам турибман. Бу аср миллатимиз учун бошқача аср бўлишини исташдан туғилади бундай саволлар. “Ахир, озодмиз-ку”, дегингиз келяпти қулликка монанд нарсаларни кўрганда... Кўп ҳам шошманг. 130 йиллик қарамлик билан 30 йиллик озодлик муддатини қиёсланг... Ҳали зўр бўлиб кетамиз, мана кўрасиз. Зўр бўлишимиз керак! Ҳеч бўлмаса миллатимизга бир неча асрлардан буён фахру ғурур бағишлаб келаётган улуғ аждодларимиз руҳлари олдида хижолат бўлмаслигимиз учун ҳам яна бир мартага зўр бўлишимиз керак. Ахир қачонгача уларнинг шон-шавкати соясида кун кўрамиз?! Ўзимиз ҳам одам бўлиб бир нарсага ярашимиз керак-ку! Аслида аср қиёфасини мукаммаллаштириш ҳам, яхши асарлар яратиш ҳам ўзимизда қолган гап, ҳазрат Навоий айтмоқчи, “Ҳар не истасанг ўзингдин истағил, ўз вужудингға тафаккур айлағил”.

— Рус шоирларидан бири билан суҳбатлашганимизда у бугунги авлодлар тобора қисқаликка ихтисослашиб бормоқда. Бора-бора Лев Толстой, Достоевскийларнинг семиз-семиз китобларини ўқийдиган китобхон пайдо бўлмай қўйиши мумкин, деганди. Нима деб ўйлайсиз, бу фикрлар қай даражада ҳақиқатга яқин?

— Ўша рус шоири ўзларининг китобхонлари ҳақида гапирган бўлса керак. Уларнинг одам ҳавас қиладиган (Зотан, бу ҳавас ҳеч қачон эскирмайди) бир жиҳати ҳам шу: китобхонлиги... Бизда олдин ҳам Толстой, Достоевскийлар (Улар ёзганидай катта китоблар ҳам) оммавий равишда ўқилмаган. Китобхонлик борасида маълум босқичлардан ўтган, бу адибларнинг асарларини ўқишга руҳан тайёр одамларгина ўқиган бу адибларни. Энди ҳам миллатимиз орасида шундай кишилар бор ва улар йўқолиб кетмайди. Умуман менда, бутун бир халқ фақат чўнтак китобларни ўқийди, “Бобурнома “ўқилмай қолиб кетади, деган қўрқув йўқ. Ўқиш — одамзотнинг маънавий эҳтиёжи, демак, семизми, ориқми, қисқами, узунми — одамзотни ишонтирадиган, кўнглини қўзғатадиган асарларнинг ўқувчилари ҳамиша бўлади. Биз олдин зўр асарлар яратаверайлик. Яна бир гап: ўзининг мафкурасини халқига, айниқса, ёшларига сингдирмоқчи бўлган тузум ҳамиша матбуот кучидан, адабиёт кучидан тўла фойдаланган. Агар ўқимай қўйсалар, йўлини топиб ўқитишган. Жуда бўлмаса, ўша синалган йўлдан бориш керак. Модомики, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг ўқимишли бўлишини, оқ-қорани ўзи ажрата билишини, кўр-кўрона бировларга эргашмаслигини, мустақил фикрлаб, ўз фикрини ҳимоя қилиш кучига эга бўлишини истар эканмиз, уларни ўқитишимиз керак.

— “Ўқиш – маънавий эҳтиёж” деган ақидага таянсак, жуда кўп авлодларни ноэҳтиёж ҳолатларга бой бериб қўймаймизми? Сизнинг даврда муаллимлар, устозлар бошқача йўллар тутишгандир бу борада?!

— Институтда Асқарали Шаропов деган домламиз бўларди. Худо раҳмат қилгур, йилнинг бошида ўқишимиз керак бўлган адабий асарлар рўйхатини берарди. Сессия пайти ўша китоблардан бирортасини ўқимаган бўлсак ҳам имтиҳон тугул, синовга ҳам қўймасди. Ўқиган, ўқимаганимизни текшириш учун шундай нозик саволлар берардики, ёлғону ростимиз бир пасда ошкор бўларди. “Тарсаки тортиб юбормасимдан олдин бор, ўша китобларни ўқиб кел”, дерди. Ҳар бир оилада, ҳар бир мактабда шунга ўхшаш ўқитиш имконини топиш керак. Фақат биз ўқитишни чиндан исташимиз керак. Ўқишсиз, ўқитишсиз ҳеч бало бўлмаслигимизни билишимиз керак.

— Мукофот ва тақдимлар ҳар доим бўлган. Айтинг-чи, мукофотлар, лавозимлар шоир ёки ёзувчининг қалами ўтмаслашишига хизмат қиладими? Биз мукофотни ёлғон ёзиш учун “аванс” деб қабул қилишга одатланмаяпмизми, айниқса, шоир-ёзувчи халқи?

— Ҳалима опам “Шу кунларда қаламим бироз тўхталиб қолди. Лекин, қизалоқ (бизга кўпинча шундай мурожаат қилардилар), шеърият менинг ўзимнинг уйим, хоҳлаган пайтимда калитимни солиб эшигини очаман, — деган эдилар. Гўзал, биласизми, ҳамма гап шахснинг ўзида. Мукофот ҳам, лавозим ҳам бузилишга мойил одамни бузади. Агар ичидаги руҳий устунлари мустаҳкам бўлса, инсон лавозимини ҳам юксалтириб юборади.

Мукофот масаласига келсак, бир умр архивларда эски қоғозлар чангини ютиб қатғон қурбонлари ҳақида ёзган Сирожиддин Аҳмедовнинг бу йил олган орденини “Мақтов учун аванс”, деб баҳоласак энг адолатсиз эмас, энг нохолис баҳокаш бўламиз. Ёки Дилором Каримовани “Беш-олтита роль ўйнаб халқ артисти бўлди”, дея ғийбат қилсак, бу ғийбатларнинг ғийбати бўлади. Бу актрисага ўхшаган саводли санъаткорлар кўп эмас аслида. Дилоромхон биттагина “Қуёши ботмайдиган юрт” ёки “Ўн учинчи раис” асарларидаги роллари учун ҳам шу мукофотга арзир эди. Яна ўша нарса: гап мукофот ё лавозимда эмас: одамда. Баъзан шахсларнинг ўзаро муносабати, тўғироғи, кимнингдир кимгадир ёқиши ё ёқмай қолиши сабабидан мукофот, лавозим масалаларида ҳам Сиз назарда тутган ҳолатлар бўлиб туради. Яъни, қайсидир бир ёзувчи ёки шоиримиз ҳақида “Амалга миниб, маддоҳ бўлиб қолди” ёки “Мукофот олиб қаламининг учи силлиқлашди”, деган гаплар айланади. Айтганимдай, уларнинг ичида амал ё мукофотгача ҳам шу одам яшар эди, энди имкон туғилиши билан ўзини намоён қилди. Одам боласининг табиати ўзгариши осон нарса эмас. Агар менинг бу йил “Меҳнат шуҳрати” ордени олганимга шаъма қилаётган бўлсангиз, зинҳор хавотир олманг.

— Давлатимиз раҳбари ижод аҳлига тўланиши лозим бўлган қалам ҳақи хусусида бир неча бор кўрсатмалар беришига қарамай бу борада ҳалиям жимлик ҳукм сурмоқда. Чорак асрдан бери қалам ҳақисиз келаётган ижод аҳли ҳам жим. Айтинг-чи, бу жимлик қачонгача давом этиши мумкин?

— Хўш, сизнингча, нима қилишимиз керак? “Ҳақ олинади, берилмайди”, деб нашриётлар, таҳририятлар остонасига ўтириб олайликми? Бир камимиз “Жамоат тартибини бузишди”, деган ур-сурга қолиш эди... Чорак аср чидаган бўлсак яна чидармиз, биз олмаган қалам ҳақини болаларимиз, набираларимиз олар... Мана, биз ҳам муаллифларга ҳар доим ҳам қалам ҳақини (Ўша озиниям) бера олмаганимиз учун таниш-билишларга, гапимиз ўтадиган журналистларга мақола ёздириб юрибмиз-ку. Аввалларидан бизнинг ҳақимизни мустабидлар еб ётибди, деб ёзғирар эдик. Энди кимга тош отамиз? Ўзимизникилар бўлса ҳаммаси, ўзимизникилар ўзагимизни узмас, бир куни бизнинг кўчада ҳам байрам бўлар. Яна мен бир миллат орасида, қанақа муҳим масала бўлсаям, можаро чиқишини мутлақо истамайман. Ҳар қандай муаммони енг ичида, ташқарига овоза қилмай, обрўни тўкмай, ҳал қилиш тарафдориман. Бир тарафдан, бир турк шоири “Яхшиямки, шоирлар нон емайди, юлдуз чўқийди”, деб қўйган бўлса... Раҳматли Шавкат Раҳмон “Шоирлар бахтлиман, сўзини ҳаммадан кейин айтади”, дея бўйнимизга мажбурият қўйиб кетган бўлса... Рости, Ремаркнинг “Уч оғайни”, “Ҳаёт учқуни”, Жек Лондоннинг “Мартен Иден”и, Нодар Думбадзенинг “Абадият қонуни”, Чингиз Айтматовнинг “Асрларни қаритган кун” ёки Мухтор Шохонов билан суҳбатларидан туғилган “Чўққидаги овчининг кўз ёшлари” каби асарларидай китоб ёзган бўлсам эди, нашриётлар хазиначиларидан ўзимга лойиқ, меҳнатимга муносиб ҳақни олардим. Афсус...

— Бугун жуда кўп нашриётлар шеър китоблар яхши сотилмайди, деган сабаб билан шеърий китоблар нашридан очиқ-ойдин воз кечишмоқда. Буни қандай изоҳлайсиз? Ўзингизнинг шеърий китобингиз ҳам Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида икки йилдан ошибдики чиқмай ётганидан хабардормиз...

— Менимча, ноширлар сотишни уддалай олишмаётган бўлса керак. Ахир, биз халқнинг орасига кирганимизда ҳеч бир тингловчи “Биз шеър эшитмаймиз, бизга романдан парча ёки ҳикоя ўқиб беринг”, демайди-ку, яхши эшитишади. Мен Ҳалима опам, Ойдин опам билан 500, 1000 кишилик томошагоҳларда ўтган шеърият кечаларида иштирок этганман. Бир-икки соатлаб давом этарди шеърхонликлар. Шунда ҳам эл шоираларни қўйиб юборгиси келмасди. Ёки халқ Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларни сахту сумбати учун яхши кўришмагандир. Уларнинг-ку шеъриятини тинглаб ҳам англаса бўлади, аммо Ҳалима Аҳмад, Ибодат Ражабова, Зебо Мирзаева, Хосият Рустамова, Жонтемир каби фақат ўқиб англанадиган шоирларнинг ҳам бир олам мухлиси бор. Агар шеър ўладиган нарса бўлса, биздан неча аср наридаги Фузулийнинг “Керакмасму”сини ўқиб бугун ҳам йиғлаб ўтирармидик? Ахир, бошқаларни-ку қўяверинг, момоларимиз сигирларини ҳам айтим айтиб соғишган-ку. Бежизга “Ярми шоир, ярми ҳофиз”, деган сифатимиз бўлмаса керак. Китоб ёзиш, уни нашр қилиш бир меҳнат бўлганидек, сотиш ҳам бир меҳнат-да. Ноширлар “мол”ининг қадр-қимматини билмагани учун, билиб бошқаларга билдира олмагани учун “Шеърий китобни бозор кўтармайди”, деб юришган бўлса керак. Ҳар бир одамнинг бирор нарсага қўйган баҳоси ўзининг фикрлаш тарзига тенг бўлади. Ундан баланд ҳам, паст ҳам бўлмайди. Шахсан мен “Ноширлар шеърий китобларни босишни истамаяпти”, деб шеър ёзишни тўхтатмоқчи эмасман. Болаларимиз гуруҳ-гуруҳ бўлиб ижод мактабларида таҳсил олишяпти-ку, улар орасидан адабиётни бор бўйи-эни билан тушунадиган ноширлар ҳам чиқиб қолар. Яхши ният қилаверайлик-чи...

— Ёшларга энг муҳим маслаҳатларингиз...

— Э, Худо, ёшларга маслаҳат берадиган ёшга ҳам етибмиз-да. Бир пайтлар шоиримиз “Ўлмаган киши бир куни 70, 80 ёшга киради-да, аммо сочнинг оқариши ҳамиша ҳам донишмандлик белгиси эмас”, деган эди. Ҳозир нега шу гап эсимга келди? Ёшларга жўяли бир гап айтиш қўлимдан келармикан, деб иккиландим. Ҳа, майли, бир уриниб кўрай. Мен бозорларда қайси бир қориндорнинг орқасидан пилдираб унинг юкини аравачада судраб кетаётган, ёзларда оёғида резина шиппак, қишларда бадбўй таратувчи арзон крассовкаларини кийган йигитчаларни кўрганда йиғлагим келади. Россиянинг, Қозоғистоннинг аёзларида, уларнинг қурилишларида ишлаб, кечаси ертўлаларда “ит ётиш, мирза туриш” қабилида яшаётган йигитларимиз ҳақида эшитганда бошимни тошларга ургим келади. Ёки уйидан иффати билан чиқиб кетиб, билибми, билмайми, дунёнинг энг шармандали тирикчилиги йўлига тушиб қолган аёллар ҳаётидан хабар топганимда турган жойимда ерга кириб кетсам, дейман. Бировларни, мендайларни йиғлатмаслик, иснодга қўймаслик учун бугунги имкониятлардан фойдаланиб, касб-кор эгаллаш керак, ўқиш керак. Шоирнинг “Бу ҳусну латофат яна қайси кун учундир?”га ўхшаш фикри бор, ёшлигингизнинг кучи, ақлингизнинг қаймоғини эртанги кун бировга жисмоний, руҳий қул бўлмаслик учун сарфланг.

Андишали бўлинг, лекин журъатсиз, қўрқоқ бўлманг.

Меҳр-оқибатли халқмиз, дея мақтанамиз. Бўлсак бордирмиз. Лекин шу пайтгача бошимизга қандай қора кун келган бўлса, тарқоқлигимиз, бир-бировимизни “яхшим”, деб сева олмаганимиз, суяй олмаганимиз оқибатида келган. Темурийзодаларнинг тожу тахт талашишлари буюк бир салтанатнинг пойдеворини қўзғатиб юборганини оламизми, XVIII-XIX асрлардаги хонликларимиз орасидаги ноиттифоқликнинг ёмон оқибатларини эслаймизми, хуллас, гўдагининг тили чиқиши билан “Сен фалон миллатга мансубсан. Сенинг тилингда гапирадиган, сенинг динингга эътиқод қиладиган, томирида сенинг аждодларинг қони оқадиган ҳар киши сенинг ака, ука, опа-синглинг. Сен унинг бахти, шаъни учун жавобгарсан”, дея ўқдирадиган миллатларга мен миллий маҳдудлар, дея қарамайман. Балки, уларнинг жаҳон саҳнасида эришган муваффақиятлари асосида ана шу нуқтаи назарлари туради, деб ўйлайман. Сизларда ҳам ана шундай нуқтаи назар шаклланишини истайман. Тўғри, ҳамманинг бир-бировга ёқиши, ҳамманинг бир-бирини севиши қийин. Лекин халқ бўлмоқчи бўлсак, бутун кучимизни шу мақсадга йўналтиришимиз керак. Тўғриси, шу тобда кўнглимдан ўтиб турган гапни айтайми? Аслида ёшларга “Ундай бўл, бундай бўл”, дейишдан кўра бизнинг ўзимизнинг қилган ишимиз кўпроқ таъсир қилади. Агар жамиятимизда қонунлар ишласа, ўзимизнинг тилимиз билан дилимиз бир бўлса, бошқача гапириб, бошқача иш қилмасак, қалбимиз, қиёфамиз, адолатимиз билан ёшларнинг меҳрини қозона олсак, уларнинг ишончига кирсак, шунингсиз ҳам, биз насиҳат қилмасак ҳам, биз хоҳлагандек инсонлар бўлишади. Тескариси бўлса-чи? Эртадан кечгача олдимизда ўтқазиб, маъруза ўқисак ҳам, зоҳирида индамаса-да, ботинида “Ўзингни бил”, дейди... Ана шундан Худо асрасин!

Гўзал БЕГИМ суҳбатлашди.

ТААССУФ

Соғлом сочлар киши ҳуснининг муҳим бўлагидир. Айниқса, бу жиҳат аёллар учун катта аҳамиятга эга. Сочларни парваришлаш, ўстириш ўрнига уларни мунтазам елка билан баробар “қайчилаб” юриш бугун роса урфга кирган. Ёш қизлар эса бу ҳолатга “мода” деб қараб, кундан-кун бир-биридан бачкана турмакларни кашф этишмоқда. Ишонмасангиз, ана, кўчага чиққанингизда, ён-атрофга сал эътибор беринг, кўзни қувонтирадиган узун сочларни деярли учратмайсиз. Хўш, нега бугун узун сочлар ва сочи ер супуриб, тўпиғигача тушадиган қизлар камайиб кетди?

СОЧини СОТаётганлар

Мутахассис дерматолог Икромхон Обидовнинг бу борадаги фикри билан ўртоқлашамиз:

— Сочларнинг ҳаддан ортиқ тўкилиши, камайиб ва сийраклашиб қолиши кўп ҳолларда стресс, ҳорғинлик, кучли зўриқиш оқибатида юзага келади. Сочлар саломатлигидаги бу каби ўзгаришлар ёғ безларининг бузилишига сабаб бўлади. Сочлар турли хил об-ҳаво таъсиридан ҳимояланиши лозим. Жазирама ёз ва изғиринли қиш кунларида бошяланг юриш сочларга салбий таъсир еткazади. Бундан ташқари, компьютер ва смартфонлардан узлуксиз фойдаланиш, улар қаршисида кўп ўтириш сочларнинг сийраклашишига олиб келади.

Икромхон аканинг айтишича, айни кунда ҳаётимизнинг бир бўлаги бўлиб, усиз нафас ололмай қолганимиз — телефон, компьютер каби гаджетлар чиқараётган радиацион нурлардан қош ва киприк тўкилиши хавфи ҳам юқори экан. Сочларни куйдириш, турли рангларга мунтазам бўяш киши саломатлигига салбий таъсир этади. Айниқса, бўёқ воситаларидан ўзбилармонлик билан фойдаланиш ҳар хил аллергик касалликларни келтириб чиқаради.

СОЧ ТЎКИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ КАНДАЙ ОЛСА БЎЛАДИ?

Мутахассисларнинг фикрича, уй шароитида табиий ниқоблардан фойдаланган ҳолда сочларни озиқлантириш нафақат соч, балки бош мия фаолияти учун ҳам самаралидир. Соч тўкилишини тўхтатишда уни тўғри парваришлаш катта аҳамиятга эга. Имкон қадар табиий ёғлардан (зайтун, аччиқ бодом, канакунжут ёғи) фойдаланиб, кимёвий унсурларнинг салбий таъсирларидан сочни эҳтиётлаган маъқул.

Бундан ташқари, сочларнинг нормал ҳолатда озиқланиб ўсиши, тўғри овқатланиш тартибига боғлиқ. Углевод ва витаминларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш соғлом ва мустаҳкам сочлар саломатлигининг калитидир.

Статистик маълумотларга кўра, сочлар ҳар 4 йилда “янгиланади”. Аммо шу 4 йил мобайнида сочларнинг кўп ва доимий тўкилиши бирор бир касаллик асоратининг илк белгилари бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларга дуч келсангиз, албатта, мутахассис шифокорга мурожаат қилинг.

ДИНИМИЗДА СОЧ СОТГАН АЁЛЛАРГА ҲУКМ ҚАНДАЙ?

Ҳадиси шарифларда: “Кимнинг сочи бўлса, унга эҳтиром кўрсатсин” — дея сочларни яхши парваришлашга буюрилган. Айтишларича, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) сочларини ўнг томондан бошлаб тарашни хуш кўрганлар. Баъзан Оиша онамиздан ҳам сочларини тараб қўйишликларини сўрар эканлар.

Фикримизни Тошкент ислом институти ўқитувчиси Абдулқодир Абду Раҳим домланинг мавзуга оид мулоҳазалари билан давом эттирамиз:

— Инсон сочи тўлақонли пок ҳисобланади. Шу қадар покки, бирор сабаб билан чўнтагига соч солган инсон шу ҳолатида намоз ўқиса, пок кийимда ўқиган ҳисобланади. Киши сочи пок дейилганда, уни бирор-бир мақсадда ишлатиш назарда тутилмайди, балки, кийимга ёхуд бирор аъзога тегса, уни нопок қилмайди, деган маънода тушунилиши даркор. Уламолар инсон сочини сотиш ёки ундан бошқа бирор мақсадда фойдаланишни гуноҳ ҳисоблаганлар. Мукаррам инсон зотининг сочини сотиши асло мумкин эмас. Бу Аллоҳ азиз қилган нарсани хор этиш ҳисобланади. Кесилган ва таралганда тушган сочларни кўмиш лозимдир.

Дарҳақиқат, Яратган инъом этган шундай неъматни аллақандай идиш-товоқларга алмаштириб, арзимаган чойчақага пуллаётганлар бизнингча мутолаадан узоқ бир саводсиз кимсалардир. Озгина бўлса-да маърифатли одам Аллоҳ инъом этган неъматларни бозорга солмас.

Малика ҲОДИЕВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

ХИКОЯ

ЁБОНЛИК МОМО

Ўролбой ҚОБИЛ

Муаллиф ҳақида:
Ўролбой ҚОБИЛОВ — 1955 йилда Қамаши туманидаги Гулистон қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг тарих факультетида таҳсил олган. Узоқ йиллар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозир нафақада. Муаллифнинг “Кечиккан карвон қўнғироғи”, “Фақат гўзал сўз айт”, “Эна тупроқ”, “Қамаши гурунглари”, “Кўнгилга йўл” каби китоблари чоп этилган.

Ҳамкасбим Шодиқул муаллимнинг шифохонадан келганини эшитиб, аҳвол сўрагани бордим.

Дастурхон атрофида мезбон менга чой узатаркан деди:

— Биласизми, ошна, шифохонада бир онахон билан танишиб қолдим, ўзиям роса ғалати феъли бор экан. Бунақа аёлни ҳали учратмаган эдим. Келинг, шуни бир бошидан айтиб берайин.

Бир куни шифохона боғидаги ўриндиқда газета ўқиб ўтирардим. Ёнимга даштлик эканлиги кўриниб турган момо келди ва дабдурустдан қўлимга телефонини тутқазиб деди:

— Болам, мановини ёқиб бер, уйдагиларни бир тергаб қўймасам, ҳаддиларидан ошиб кетишади.

Мен телефондан момо айтган кераклі рақамни топиб узатдим. Момо бирдан жиддий тортиб гапирди:

— Бувиражаб, сенмисан, мен кетиб эркин чумчуқ бўлиб қолдиларинг-ма, бованг қаерда?

Яна Ўсар ошнасиникига қарта ўйнагани кетди-ма, “азройил” йўқлигида яйраб қолай деганда. Сизни соғинди, дединг-ма? Ундай бепарда гапни айтма, ўзи мендан қутулолмай юрибди. Айтиб қўй, кўзим хиралашсаям, ҳали ўлганим йўқ!

Мени эшитаяпсан-ма, эрингга айт, тилпонимга пул ташлаб қўйсин. Пенсиядан дейсанма, йўқ, чўнтагидан! Ўғил бўп менга нима хизмат қилди, эржонинг? Ҳой, эшит, — лекин Қўчқор неварамга уришма, сомонхонага ўт қўйса қўйибди-да, ҳали бола, уйланса босилиб қолади, мен бадар кетиб шугинага қийин бўлди-ёв...

Бехосдан момонинг телефони сигнал бериб ўчди ва яна қанча айтадиган гаплари чала қолди. Момо менга бир қур назар солдида, индамасдан хонасига кириб кетди.

Кечки пайт момо яна ёнимга келиб ўтирди. Момомизнинг юз-кўзидан, ҳаракатларидан зерикаётгани кўриниб турарди. Мен секингина сўз қотдим.

— Қаерликсиз, хола?

— Чиял деган жойни эшитганмисан, ўша тарафдаги ёбондан. Ёшим етмиш олтида, кўзим хиралашиб игнага ип ўтказолмай қолдим. Келганимга уч кун бўлди, дўхтур қизлар дори билан даволаяпти, ҳарна яхши. Ўзинг қаерликсан, болам?

— Жонбўзсойдан, мактабда ўқитувчиман.

— Яхши, аммо китоб-қоғозга кўп қарабсанда, кўзойнак тақиб олибсан. Менинг тўқсон тўртга кирган энам бор, ҳалиям ўрмак тўқийди, куви пишади, урчуқ йигиради, бир чақиримдан эркак-аёлни ажратади. Бу ерга ҳам “ўзингнинг жонинг, ўзингга керак”, деб жўнатди. Тўғрисини айтсам, зерикдим, айни буғдой ўрилаётган пайтда мен бу жойда ялпайиб ўтирсам уят бўлар-ов…

— Нима, ўғилларингиз фермерми?

— Бўмасамчи, беш йил бўлди, хўжалик менинг отимда, печати сандиғимда. Ғалла, зиғир, қовун-тарвуз экканмиз.

— Сиз тарафларда сув йўқ-ку?

— Ҳамма шундай дейди, ишлаган йўлини топади. Иккита “артезан” қудуғимиз бор. Суви ширин. Ўзимиздан ортиб қишлоқдошларнинг томорқасига ҳам етади.

— Ишингиз зўр экан.

— Бирнави, ишқилиб кунимиз ўтиб турибди.

— Болалардан нечта, хола?

— Етти ўғил, беш қиз. Ўша йиллар ёш эдик, ҳозиргилардек тегманозик эмасдик, кейин бова “сени герой қиламан” деб тек ётмасдида…

Момо ўзининг гапидан озгина қизариб кулди.

— Бариси уйли-жойли бўп кетишган, қишлоқнинг ярми десаям бўлади.

Шу пайт ёнимиздан шифохона дўхтири ўтиб қолди. Момо дарров уни тўхтатди.

— Ҳой, дўхтир ўғлим, менга қачон жавоб берасан, кўзим яхши бўлдику?

— Эндигина уч кун бўлди, онажон, яна бир ҳафта сабр қилинг, — деди дўхтир кулиб.

— Йўқ, ундай дема, эртага ўғилларим келади, дориларни ёзиб берсанг, келинларим томизиб турарди.

— Нима, бирор камчилик борми, онажон?

— Йўқ, ҳаммаси жойида, фақат менинг қишлоқда зарур ишларим бор.

Охири бўлмади, дўхтир бу қайсар момога эртага жавоб беришга ваъда бериб қутилди.

Момо мамнун қиёфада ёнимга келиб ўтирди.

— Бало экансиз, охири кўндирдингиз, — дедим кампирни мақтаб.

— Бир йили тўнғич ўғлим қўярда-қўймай ўн кунлик дам олиш уйига олиб борувди. Менга тўғри келмади, икки кунда қочиб кетувдим, — деди жилмайиб.

— Нега, мазза қилиб дам олсангиз бўларди?

— Менга тўғри келмади, тўрт мучам соғ бўлса, қандай қилиб ётаман?

— Нима, шунчалик юмушингиз кўпми?

— Ҳа-да, ахир элчилик. Қўшнимиз Холиқ чўпоннинг тоби йўқ эди, яна иккита келинимнинг ой-куни яқин. Тўй-маъракалар бор.

— Сиз бўлмасангиз тўйлар ўтмайдими?

Момо менга ажабсиниб қаради.

— Менсиз қандай ўтказишади, қани ўтказиб кўришсинчи?! Менсиз товуқларига тухум ҳам бостиришолмайди.

— Йўғ-а?!

— Ишонмайсанми? — деди момо менга ёвқараш қилиб.

— Ишондим, сизга ишонмай бўладими?

Иккаламиз ҳам бироз жим қолдик. Охири сукунатни бузиб сўрадим.

— Хола, ҳеч армонингиз ҳам борми?

— Эй, болам-а, бу дунёда армонсиз одам бор эканми? Кенжа ўғлим афғонда ҳалок бўлган. Темир товутда олиб келишди. Ўшанда бир кечада сочим оқариб кетганди. Ҳа, урушнинг уйгинаси куйсин болам-а...

Кечқурун эса шифохонада ғалати хабар тарқалди. Момо билан бир хонада турадиган аёл ёстиғининг тагидан тўрт юз доллар топиб олибди. Аёл қизалоғининг операцияси учун пулга зориқиб турган экан.

Ҳамма буни момо қилган деб ўйлади. Аёл миннатдорлик билдириб сўз қотган экан, момо: “Менинг бегонага берадиган пулим йўқ”, деб уришиб берибди.

Эртасига момо яна ёнимга келиб ўтирди. Унинг юзида мамнунлик акс этиб турарди. Мен оҳиста сўрадим.

— Барибир бояги ишни сиз қилгансиз, сиздан бошқа биров...

— Бас қил, буни сен бил, мен билай, қизалоғини кўриб невараларим эсимга тушиб кетди-да...

Шу пайт дарвоза ёнига машина келиб тўхтади ва ундан учта йигит тушиб, биз томонга юришди. Момо уларни кўриб, қувониб кетди:

— Ана, улларим келишди!

Йигитлар оналари билан кўришиб, машина юкхонасидан тарвуз-қовун, мева-чевалар, патир ва бир тоғора Чиял яхнасини кўтариб келишди. Момо олиб келинган неъматларни барчага тақсимлаб, улашиб чиқди.

Пешин пайти момо жўнаб кетди.

Назаримда ҳайҳотдек шифохона ҳувиллаб қолгандек эди.

ОЧИҚ АЙТГАНДА

Яқин қадрдонлар билан бўлиб ўтадиган ўтиришларнинг бирида гап айланиб китобхонлик мавзусига келганда, адабиётга ихлосманд, зиёли дўстларимиздан бири киноя билан, ҳазиломуз шундай деб қолди:

— Ҳозир очиқлик замон. Энди хоҳласа “жевачка”фуруш ҳам китоб чиқаради, ўзимизнинг сақични мақтаб (аслида ҳам шулар қолди китоб чиқармаган)...

Ҳаваснинг ўзи камлик қилади

ЁХУД ҲАҚИҚАТ АЧЧИҚ, АММО ШИФОЛИ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА

Даврадагилар ҳайрон бўлиб қарашди.

— Эй, бунинг йўли осон, масалан бирор қизиқроқ воқеани тусмоллаб қоғозга туширади-да, ёнига “сулкавой”ни олиб: “Ака, шуни бир эпақага келтириб беринг”, деб ёзарманнинг олдига боради. Иши битгач, яна пулини белига тугиб, энди нашриётга қараб йўл олади. Вассалом, орадан бир ой ўтиб, дўконда қаттиқ ялтироқ муқовада янги китоб пайдо бўлади, яъни “Сақич чайнашнинг фойдаси”, деган...

Ҳозир нима кўп, хусусий нашриёт кўп. Нашриётлар-чи, пулини тўлаганнинг ноғорасига чунонам ўйнайдики, асли қўяверасиз. Уларга нима, миллат маънавияти баъзи мутасаддиларга ҳам керак бўлмаяпти-ку, нашриётлар қайғурсинми? Амалдаги сиёсатга тил текизилмаса бўлди-да...

Даврадошимизнинг гапи мени бироз ўйлантириб қўйди. Дарҳақиқат, унинг киноясида жон борга ўхшайди. Боиси юртимизнинг исталган гўшасидаги китоб дўконларига кириб, пештахталарда бежирим тахланган китобларни кўздан кечирсангиз, тўпламларнинг орқа бетида муаллифнинг сурати ва таржимаи ҳолига кўзингиз тушади. Дейлик, Фалончи Фалончиев, асли касби муҳандис ёки таржимаи ҳолда Фалончи узоқ йиллар ҳуқуқ-тартибот идораларида меҳнат қилган. Ҳозир нафақада, дейилади. Бунинг устига адибнинг бир нечта шеърий ва насрий китоблари чоп этилган деган маълумотлар ҳам бор. Аммо ўзини ҳеч ким танимайди. Чунки асарларининг қиймати йўқ.

Таассуфки, ўзим баъзи тўпламларни варақлаб, ундаги сатрларга кўз югуртиришим билан ҳафсалам пир бўлди. Сийқаси чиққан мисралар, эга-кесимининг тайини йўқ жумлалар. Эссиз шунча қоғоз, деганингизни билмай қоласиз.

Тўғри, орзуга айб йўқ. Лекин нохуш томони шундаки, китобда ҳақиқат ёзилади, дейдиган ёшларни маънавиятини тумтоқ қилиб қўйиши етмаганидек, бу “шоир” ёки “адиб” ларнинг бари ёзувчилик даъвосини қилишади-да. Яқинда пойтахтга йўлимиз тушиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига кирган эдик. Шу даргоҳда ишлайдиган дўстимиз нолиб қолди:

— Уюшмамизнинг вилоят бўлими раҳбарларига қийин бўлди. Ҳозир сохта “шоир,” “ёзувчи”лар кўпайди. Майли, китоб чиқаришаётан экан, Худо хайрини берсин. Лекин: “Мана, икки-учта тўпламим босилди, нега мени уюшмага аъзо қилмайсиз”, деб даъво қилишаётгани ёмон бўляпти-да. Айримлари “дод-вой” қилиб, шу ерга ҳам келишяпти. Муомаласини қилсанг тушунишни хоҳлашмайди. Дарров “юқорига чиқамиз”, дейишади...

Шоирлар шаҳри дермиш Қўқонимизда ижодкорлар кўп. Адабиётга ихлосманд, нафақага чиққач баҳоли қудрат қалам тебратаётган, лекин адибликка даъво қилмайдиган ҳаваскор шоир-ёзувчилар ҳам бор. Аммо беш-олтита китоб чиқариб, ўзини Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Асқад Мухторлар қаторига қўяётган “даҳо адиб”лар ҳам йўқ эмас.

Улар, гўё ўзининг билимдонлигини кўрсатиб қўймоқчидек, ёзган “асар”ида заурати бўлмасада Навоий, Ҳофиз, Машраб ғазаллари, Умар Ҳайём рубоийлари, Махтумқули шеърларидан мисоллар ҳам келтиради. Ачинарлиси, улар улуғларнинг машҳур ғазал ва шеърларини тўғри кўчира олмайди. Негаки, савод етишмайди. Адабиётдан бехабар. Масалан, бир “адиб” китобида Машраб ғазалидаги бир мисрани: “Ҳам мазаллар хокига Машраб бошин қўйди букун”, деб кўчирибди, аслида Машраб: “Ҳам мазаллат (хорлик) хокига Машраб бошин қўйди букун”, деган. Ёки Махтумқулининг:

Соғлигинг қадрини билгил,
хаста бўлмасдан бурун,
Хасталик шукрини қилғил,
токи ўлмасдан бурун...

мисралари айнан шу китобда: “Соғлигинг қадрига ет, хаста бўлмасдан бурун, хасталик қадрига ет, токи ўлмасдан бурун”, деб кўчириб ёзилибди.

Ана шундай сохта “асар”ларни ўқиш жараёнида яна бир фикр кўнглимиздан ўтди. Нашриётда муҳаррирлар томонидан китобнинг эпақага келтирилган нусхаси шу бўлса, асли қандай бўлган экан?..

Хуллас, шуни айтмоқчимизки, адабиёт даргоҳи муқаддас. Хоҳлаган одам бош суқиб, паноҳ топадиган карвонсарой эмас. Шу ўринда, ёзувчиликка ҳавас қўйган баъзи кишиларга улуғ адиб Абдулла Қаҳҳор ўз даврида битган бир хатини келтириб ўтишни жоиз деб топдик.

“ЎРТОҚ К. К.!

Хатингизга кечикиб жавоб қайтараётганим учун узр. Ўзидаги талант, қобилиятни 40-50 ёшда пайқаган кишилар ҳам бўлади. Лекин уларнинг биринчи ёзган асарлари ҳақиқатан ҳам талант эгалари эканини кўрсатади. Бу ҳикоянгиз сизда талант борлигини кўрсатмайди, ёзувчиликка ҳавас уйғонганини кўрсатади, холос. Ҳавас ҳаммада ҳам бўлиши мумкин. Лекин ҳаваснинг ўзи кишини ҳеч қаёққа элтмайди. Масалан, мен ҳам танбур чертиб, ҳаммани қойил қолдиргим келади-ю, на илож, дард бору дармон йўқ. Агар редакция ходимлари “Ўзи дуруст, лекин камчиликлардан холи эмас”, деб сизга мумкин қадар беозор хатлар ёзмасдан, “савиянгиз шу бўлса, минбаъд қўлингизга қалам олманг, умрингизни беҳуда ўтказманг”, деб ростини айтиб қўя қолишганда шу оворагарчиликлар йўқ эди. Уч-тўрт кун хафа бўлиб юрардингизу кейин инсофга келиб тақдирга тан берардингиз. Сизга маслаҳатим бошқа иш қилинг. Бошқа ишда сизга муваффақият тилайман.

Абдулла ҚАҲҲОР,
1961 йил”.

Халқимизда: “Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит”, деган ибратли нақл бор. Мақоламизни мухтасар этар эканмиз, ҳавасаки “шоир” ва “ёзувчи”лар улуғ адибимизнинг дурдона фикрларидан тегишли хулоса чиқариб оладилар, деган умиддамиз.

Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди.
Носир ЗОҲИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ШЕЪРИЯТ

Дунё эски дард эрур, андин ортиқ дардим мени

Навоий ғазалига мухаммас

Бул ҳаёт йўли аро карвон кечар жондин жудо,
Неки бир карвон эрур сарбон кечар ондин жудо,
Бир жон чекиб жон қасдиға жони- жонондин жудо,
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такуллум шаккаристондин жудо.

Субҳи тонг очиб сабза ғунча тилакни ўртагай,
Дема ишқ дайрида мажнун севги ҳалакни ўртагай,
Менки замондин зорман, не тонг малакни ўртагай.
Ул Қуёш ҳажринда, қўрқармен фалакни ўртагай,
Ҳар шарореким бўлур бу ўтлуғ афғондин жудо.

Зорима қилма назар дерди андин жола кўп,
Нуқтаи холингга вобаста нун ва зола кўп,
Аччиқ ул тақдир майи нўш этса гар пиёла кўп,
Дема, ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,
Жисм айларму фиғон, бўлғон нафас жондин жудо?

Ул қулинг муроди майли таъмаларни қилмағил,
Ўт каби ёнган юрак тафтини сокин қилмағил,
Дол этгил алиф қаддим, аммо сукун қилмағил,
Бўлса юз минг жоним ол, эй, ҳажр, лекин қилмағил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Дунё эски дард эрур, андин ортиқ дардим мени,
Мен ўзимни билмасам, не билар мардум мени,
Фикр, илҳом ила битди ахири фардим мени.
Ҳажр ўлимдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун мени
Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо.

Нодон сўзин тан олмас, ҳақни доно билдиким,
Зулматда ул зиёни эл раҳнамо билдиким,
Калтафаҳм бойлигин ўзга фано билдиким,
Васл аро парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шаъми шабистондин жудо.

Бу олам саҳнини Мансур кўрмадиким, дорсиз,
Йўкки унган бир гиёҳ бу боғ аро гар хорсиз,
Ишқ бобида, эй Сафар, кўпдир диёнат, орсиз,
Бир иёсиз ит каби эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Сафар ОМОН

Муаллиф ҳақида:
Сафар ОМОНҚУЛОВ — 1957 йилда Бойсун туманида туғилган. Тошкент давлат университети(ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тугатган. Шоирнинг “Лайлатулқадр”, “Шамсул қалб”, “Ишқ”, “Алам”, “Сайёраи сафар”, “Шукрона” каби шеърий китоблари чоп этилган.

Тунги мунажот

Мирзо БОБУРга

Мўлтираган бу юлдузлар ғарибларнинг кўзларидай,
Чангиб ётган сомон йўли Мирзо Бобур изларидай,
Тилсим-тилсим наво келар, кўринмайди чалғувчиси,
Бунча мунгли, бунча дардли Мирзо Бобур дардларидай.

Чўкар аста, чўкиб борар, фоний дунё ғуборлари,
Юрагимга ботиб борар, жаллодларнинг табарлари,
Бир арабий отлар келар, Ой отилар туёғидан,
Ғозийларни қўмсаб елар, ул Мирзонинг тулпорлари,

Сомон йўли қайга элтар, майда- майда сомонлари,
Таранг тортар отилмайди, соғинчларим камонлари,
Сомон йўли, сомон йўли, яхшиларнинг омон йўли,
Худду сендек тугамайди, кўҳна олам армонлари.

Киприкларим маржон тақар—улар мозий тошқинлари,
Ёв лашкари келар Шоҳим, жуда бежо босқинлари.
Ёмон бўлар ёмонлари, эҳтиёт бўл бул беклардан,
Панд берарлар ялоқ ялаб, ялов тутган сотқинлари.

Сирли олам сирларига сирим қўшдим, сирим кўчди,
Дардли дунё, дардларингга дардим қўшдим, ярам кўчди.
Нодонларга қилма муҳтож, мен итларга берай тилим,
Ғариб тунга гулоб қўшдим, наволардан даво кўчди.

Инсоф бергани рост бўлсин!

Чекка қишлоқда яшовчи Эгамқул бобонинг мухбир йигитга берган интервьюси

— Мухбир болам, элимизда
Кўп янги гап бўлаётир.
Ҳатто бизнинг қишлоққа ҳам
Шамоллари келаётир.

Қизиқ бўлди тунов куни,
Кўчамизга одам тўлди.
Аловуддин чироғини
Ишқаганми, нима бўлди?

Шимарганча енгларини,
Ишга каттиқ боғлаб белди –
Ҳовлимизга беш-ўн раҳбар
Эшик қоқиб кириб келди.

Вой-бў, бунча савлатдорлар
Атрофимни ўраяпти,
Бири олиб, бири қўйиб,
Аҳволимни сўраяпти.

Қизиқ бўлар экан, мени
Ўзларига тенг кўрса, денг.
Бири вазир, бири ҳоким:
“Бизга хизмат”, деб турса, денг.

Болам, бу каттаконларни
Тилвизўрда кўрар эдим.
Улар бизнинг ҳолимизни
Биларми, деб сўрар эдим.

Ахир, раҳбар деган одам
Кастумига сиғмасди-ку.
Йил ўн икки ой салқингина
Кабинетдан чиқмасди-ку.

Ҳоким бува ҳукми – ҳукм,
Ёнига ҳам боролмасдик.
Дардимизни айтай десак,
Ҳузурига киролмасдик.

Энди эса, ҳайрон қолдим,
Олдимизга келаяпти.
“Маҳаллабай ишлаймиз”, деб,
Жонга оро кираяпти.

Ёқа ушлаб қолдим, шояд,
Улар келгани рост бўлсин.
Ҳокимлару вазирларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Яна бир кун белим оғриб
Турган эдим, бир иш бўлди.
Худди шу пайт билгандайин
Уч-тўрт врач кириб келди.

Ё, тавба-ей, булар қайдан
Оғриганим билди, дейман.
Ё халқ дардин билгич одам
Бошимизга келди, дейман.

Профессор экан бари,
На-ақ Тошкандан келишди.
Бола-бақра, ҳаммамизнинг
Соғлиғимиз текширишди.

Кўзимга ёш келди, болам,
Кўнгилларим эриб кетди.
Улар ҳатто сиҳатғоҳга
Йўлланма ҳам бериб кетди.

Табиб ўз оёғи билан
Ўзи келгани рост бўлсин.
Шифокору дўхтирларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Агар билсанг, бу дунёда
Бонкчи деган кас бўларди.
Иши тушиб борган одам
Олдида хор-хас бўларди.

Қарз олиб, мол-ҳол қилай, деб
Борсак қовоғин уярди.
Арзимаган уч-тўрт сўмга
Бир дунё шартин қўярди.

Энди эса бонкчи ўзи,
Қаранг, уйма-уй юрибди,
Мана лойиҳа, кредит,
Фақат ишланг, деб турибди.

Тадбиркор ҳам одамларнинг
Кам-кўстига қараяпти.
Ўзим бўлайин, демасдан,
Эл корига яраяпти.

Ана, бири боғча қурди,
Бири ишнинг кўзин билди –
Зўр фабрика ташкил қилиб,
Юз одамни ишли қилди.

Одамларга ёрдам қилиб,
Ҳаммани тенг кўрар бўлсанг,
Асли инсоф деганинг шул,
Агар мендан сўрар бўлсанг.

Одамларга ёрдам – элга
Кўмак, дегани рост бўлсин.
Тадбиркору бонкчиларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Яна гап кўп, айта берсам
То кечгача адо бўлмас.
Газетингда босиб чиқсанг,
Бу гапларим хато бўлмас.

Юртбошимиз бир келдию
Йўлга ҳам сон кириб қолди.
Сувлар келди, газлар келди,
Светга жон кириб қолди.

Стадион, кутубхона...
Обод қишлоқ бўлиб қолдик.
Шаҳардан ҳеч камимиз йўқ,
Кўнглимиз бут, тўлиб қолдик.

Мактаб қадди тикланётир,
Таълим ҳам шунга хос бўлсин.
Энди домла-маллимларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Уйли бўлди участкавой,
Маҳалламиз обод бўлди.
Раисимиз ҳокимларнинг
Майлисидан озод бўлди.

Эл оралаб юрар улар,
Хизмат иззатга мос бўлсин.
Оқсоқолу посбонларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Самад қўшним касал бўлиб,
Уйда ётиб қолган эди,
Кенжам қандай ўқитсам, деб,
Боши қотиб қолган эди.

Минг қиз билан Шарапат ҳам
Грантларга кириб кетди.
Контрактнинг ташвишидан
Қўшнимни қутқариб кетди.

Аёллару ёшларни деб
“Темир дафтар” тутиляпти.
Қанча одам ишли бўлиб,
Камбағалликдан қутуляпти.

Одамларнинг дуосини
Олай дегани рост бўлсин.
Сектор раҳбарларига
Инсоф бергани рост бўлсин.

Кеча лекин озроқ изза
Бўлиб қолдик, мухбир болам.
Ер ёрила қолмади-ю
Кириб кетолмадик биз ҳам.

ЭМ-ЧЕ-ЭСдан аскарлар кеп,
Ўтинимиз ёриб берди.
Сал бўлмаса, супра ёйиб,
Хамиримиз қориб берди.

Оппоқ сочли бир генерал
Деворимиз оқлай кетди.
Уялтириб ҳаммамизни,
Юрагимиз қоқлай кетди.

Ахир, уйда девдай ўғлим
Тилпон ўйнаб ётган эди.
Яна бири тилвизўрга
Қараганча қотган эди.

Туриб кетдик ўрнимиздан,
Хижолатдан ўлай дедик.
“Ўз кунингга ярамасанг,
Бу кунингдан ўл-эй”, дедик.

Ғафлат босмай, одамлар ҳам
Сал ғайратга тўлсин экан.
Давлат элим деса, эл ҳам
Шунга лойиқ бўлсин экан.

Ўғилларим бир гектардан
Ерни олиб иш бошлади.
Қизим тикувчилик очди,
“Тик-ток”иниям ташлади.

Эси кирди момонгниям,
Кўз юмиб у сериялга,
Наваралар тарбиясин
Қайта бошдан олди қўлга.

Ўзгарди шу жужуқларам,
Бири кашта тўқияпти.
Бири кампуйтер ўйнамай,
Навоийни ўқияпти.

Янги замон боласи-да,
Тарбиясиям соз бўлсин.
Момонггаям, болларгаям
Инсоф бергани рост бўлсин.

Шундай гаплар, мухбир болам,
Қизиқ ишлар бўлаётир.
Ҳатто бизнинг одамлар ҳам
Ўзгаришлар қилаётир.

Билсанг, асли ғурбат, ғийбат
Бекорчининг иши экан.
Энг тинч одам ким, десанг, бу
Ишлаётган киши экан.

Ҳар бандaнинг умид билан
Худо дегани рост бўлсин.
Одамларга ҳам диёнат,
Инсоф бергани рост бўлсин.

Сен-чи, болам, яқинингга
Йўлатмасдинг-ку ҳар кимни.
Мана, энди ўзинг келиб,
Эшитяпсан аҳволимни.

Мухбир деган элнинг дардин
Ёзсин-у, сўзи рост бўлсин.
Мухбир болам, ўзингга ҳам
Инсоф бергани рост бўлсин.

Қаранг, оддий халқ дардини
Ўйлайдиган бор экан-да.
Халқим деган жўмардларга
Халқ дуоси ёр экан-да.

Бўларкан-ку, қисқа вақтда
Шунча ишлар қилинди-ей.
Буни кўриб дўст-душманнинг
Тан бергани билинди-ей.

Унутмай энди инсофни,
Раҳбарлар халқ томон бўлсин.
Шу ишлар бошида турган,
Юртбошимиз омон бўлсин!

Эгамқул бобонинг
сўзларини мухбир
Қурбон ЖОНҚОБИЛ
оққа кўчирди.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2021 йил 13 февраль, 32-сонидан олинди.

САНЪАТ ФИДОЙИЛАРИ

— Айтишларига қараганда, инсон дунёга келаётганда муштини маҳкам қисиб туғиларкан. Бунинг аломатини шундай шарҳлашади: одам боласи фоний дунёдаги ризқ-насибасини сиқимлаган ҳолда бу ҳаётга келади. У жажжигина муштини очиб юборганда, ризқи сочилиб кетади. Шундан, ризқи қаерга сочилган бўлса, насибаси ўша ерда бўлади...

Чиптасиз бола

ЭШИК МЎРАЛАБ...

— Агар шу ҳикматли гаплар рост бўлса, менинг ризқим, насибам театрга сочилган экан, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунос олим, профессор Маҳкам Исроилов.

Бу кун тўқсон ёшни қоралаб қолган Маҳкам аканинг болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Отаси урушга кетган, онаси касалманд эди. Кўзлари жовдираган иккита мурғак сингил билан қолган Маҳкамнинг бошига оила ташвиши тушди. Орадан йиллар ўтиб, уруш тугаган бўлса-да, афсус, ота дийдорини кўриш унга насиб этмади: отаси Иброҳим аканинг қабри эса олис ўлкаларда қолди.

Маҳкам турмуш ташвишлари қанчалик оғир бўлмасин, мактабга кўнгил қўйди, дарсларни қолдирмасликка, яхши ўқишга ҳаракат қилди. У айниқса, ўтказиладиган бадиий кечаларни жуда яхши кўрар, фаол қатнашар, шеърлар ўқирди, бошловчилик қиларди.

— Уйимиз Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри биносига яқин эди. У пайтлар бошқача эди-да, одамлар учун театр янги маданият ўчоғи эди. Ҳар бир спектаклда зал томошабинлар билан тўлиб-тошиб кетарди. Менинг ҳам театрда спектаклъ томоша қилгим келарди. Аммо...

Ниҳоят, бир куни орзуим ушалди. Биласизми ўшанда нима бўлган, ҳовлида одам тумонат, чипта эса аллақачон сотиб бўлинган экан. Ўзиям ўша куни “Тоҳир ва Зуҳра” мусиқали драмаси қўйилаётганди-да. Тангасини йўқотган боладай, нима қилишимни билмай тургандим, театр эшиклари очилди-да, одамлар гуррос ичкарига отилишди. Таваккалига мен ҳам эшик сари интилдим, ўшанда назоратчи сезмай қолган. Ахир одам ниҳоятда кўп эди-да, уларнинг орасидан ёш болани пайқаш ҳам қийин эди. Балконга жойлашиб олдим. Шу куни биринчи марта спектакль томоша қилдим. Ўшандаги театрдан олган таассуротларим ҳамиша менга ошно бўлди.

Шундан сўнг Маҳкам бир кун ҳам театрсиз яшай олмади. Бу орада ёзги таътил бошланди. Ҳаво иссиқ бўлгани учун спектакллар театрнинг ёзги биносида қўйиларди. Йигитча имкон топди дегунча, театрга югурар, ҳатто навбатдаги спектакларнинг репетицияларини ҳам томоша қиларди. Баъзан баланд дарахт шохларига чиқиб олиб, саҳна асарлари ижросини кўрган пайтлари бўлди. Бора-бора театрдагилар ҳам бу хушсурат ўспиринни таниб қолишди.

— Бир куни театрда таниқли актёр Маҳмуджон Ғофуровнинг ариясларини ўзимча ҳиргойи қилиб ўтиргандим, тасодифан бастакор Тўхтасин Жалиловнинг ўғли, ғижжакчи Салоҳиддин ака эшитиб қолди. Мени репетициядан кейин отасининг ёнига олиб бориб: “Ота, бу йигитчани бир эшитиб кўринг”, деди. Мен “Тоҳир ва Зуҳра”да Маҳмуджон Ғофуров ижро этадиган “Аюрмиш” ариясини созандалар жўрлигида куйлаб бердим. Ижроим қанчалик ёққанини билмайман, лекин Тўхтасин ака менга театрга келиб туришни тайинладилар, — дея хотирлайди Маҳкам ака.

Шундай қилиб М.Исроилов кечқурунлари спектакларда оммавий саҳналарда қатнашадиган бўлди. Бу орада мактабни тугаллаб, Тошкент давлат Театр ва рассомчилик санъати институтига (ҳозирги Ўзбекистон санъат ва маданият институти) ўқишга кирди. Талабалик йиллари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги академик драма (ҳозирги Ўзбекистон Миллий академик дарама театри) театрида ишлади. Аввалига оммавий саҳналарда чиққан бўлса, кейинчалик алоҳида роллар ижро этди. Уйғун ва Иззат Султонларнинг машҳур “Алишер Навоий” драмасидаги Мўминмирзо ролини беришганда қувончи ичига сиғмади. Навоий сиймосини талқин этган таниқли актёр Олим Хўжаев билан бир саҳнада бўлиш чиндан-да катта бахт эди.

1952 йили институтни тугатиб, болаликдан қадрдон бўлиб қолган Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида солист-вокалист сифатида иш юритди.

Бу санъат масканида у ўнлаб сиймоларни маромига етказиб талқин этди. Уйғуннинг “Олтинкўл” асарида Турсунали, С.Абдулла ва Т.Жалиловларнинг “Истеъдод” асарида Ҳамдам, К.Яшин, Ю.Ражабий, Г.Мушелларнинг “Фарҳод ва Ширин”ида Шопур, К.Яшин ва Т.Жалиловларнинг “Нурхон”ида Мамат шулар жумласидандир.

— Саҳна ҳаёти жуда ранг-баранг, баъзан кутилмаган воқеалар ҳам бўлиб қолади. Бир куни “Фарғона воқеаси” мусиқали драмаси (Ҳамид Ғулом асари) қўйилиши керак эди. Унда Мақсудхон ролини ижро этиши керак бўлган артистнинг тоби қочиб қолди. Спектаклга чипталар сотилган, қолдиришнинг иложи йўқ. Раззоқ Ҳамроев шу ролни ижро этиб беришни мендан сўради. Репетициясиз тунда ролни ёдлаб эртасига саҳнага чиқишга тўғри келди.

Биринчи пардада менинг қўйнимда бедана бўлиши ва уни қўлимга олиб, у билан гаплашишим керак эди. Лекин умримда бедана ушламаганман. Қўйнимдан олиб энди унга қараб гапиришни бошлагандим, бирдан қўлимдан пир этиб чиқиб, тўғри оркестр жойлашган пастликка тушиб кетса бўладими. Бир зум нима қилишни билмай қолдим. Кейин ўзимни тутиб олиб, импровизацияга ўтдим. Оркестрдагиларга қараб: “Қани бедана?” дедим. Чолғучиларнинг кўпи русийзабон эди-да. Улар ҳам нима қилишни билмайди. Бедана тутиб юрибдими. Мен эса уларга гоҳ ўзбек, гоҳ рус тилларида “беданамни топиб бер”, дейман. Залда қийқириқ, кулги, кўтарилди, қарсакбозлик бошланди. Бу орада томошабинлар ҳам бедана тутишга киришиб кетишган.

Ниҳоят, улардан бири тутиб саҳнага олиб чиқди. Беданага қараб: “Ҳали шунақами, қани ичкарига юр-чи, бир таъзирингни берай”, деб саҳна ортига чопиб чиқиб кетдим. Залдагилар қарсаклар билан кузатиб қўйишди. Антракт пайтида ёнимга Раззоқ Ҳамроев ва Ҳамид Ғулом келиб “раҳмат ука, амалладинг”, деб қучоқлаб кўнглимни кўтаришган, — дейди Маҳкам Исроилов.

1956 йили Маҳкам Исроилов театрда ишлаш билан бир қаторда А.Н.Островский номидаги Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтида “саҳна нутқи”дан талабаларга сабоқ бера бошлади. Театр саҳнасидаги неча йиллик фаолият, орттирилган тажриба ўз самарасини берди. Талабалар билан ишлаш унинг ўзига ҳам жуда ёқди, шогирдлар сафи кенгайди.

Шунинг билан бирга, у 1959-1975 йилларда Янгийўл шаҳар маданият уйи қошидаги ҳаваскорлик театрида бош режиссер сифатида бир қанча асарларни саҳналаштириб, режиссура соҳасида ўзини синаб кўрди. Натижа ёмон бўлмади. Саҳналаштирилган асарлар томошабинларга манзур бўлди, оқибатда ҳаваскорлик театри халқ театри мақомини олди.

Жамоа илк бор 1967 йили ўтказилган халқ театрлари республика фестивалида “Ватан ишқи” спектакли билан қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлди.

Маҳкам Исроилов театр санъати соҳасида 70 йил фаолият олиб борди. Санъат фидойисининг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган: у Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвони ҳамда “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

— Мен ҳаётимдан розиман, — дейди М.Исроилов. — Бир инсон кўриши мумкин бўлган қувончу шодликни, ширин ташвишу машаққатларни бошдан кечирдим. Фарзандларим, невараларим ардоғидаман, етказганига шукур. Театр эса ҳамон ҳаётим мазмуни.

Тўғри, театрлар ҳозир аввалгидек гавжум эмас, соҳада муаммолар ҳам етарли. Бироқ муҳими, бу муаммоларни бартараф этишга давлатимиз эътибор қаратяпти. Хусусан, ўтган йили 26 майда Президентимиз қабул қилган “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, маданият ва санъатнинг жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 15 апрель санаси “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни” деб эълон қилингани санъат аҳлининг кўнглидаги гап бўлди. Ўйлайманки, бундай чора-тадбирлар театрга томошабинлар қайтишига, бу ўлмас санъат янада ривож топишига хизмат қилади.

Мавжуда ЙЎЛДОШЕВА,
театршунос олима.

ЛУҚМА

“Ўрис қизнинг исмими?”

Ижтимоий тармоқларда кўзим тушиб қолди. Таъкидланишича, ўзидан бошқа биронта ўзбек яшамайдиган Россия шимолидаги шаҳарлардан бирида иш бошлаган бир ҳамюртимиз чойхонаси пештоқига “Биз очилдик!” — деб соф ўзбекча ёзиб қўйибди.

Лекин ўз юртимизда ўзбеклардан бошқа биронта бошқа миллат вакили яшамайдиган чекка бир қишлоққа иш билан бориб қолсам, янги қурилган чойхона пештоқига “Мы открылись”, дея ёзилганини кўриб, кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмадим.

“Мы открылись” нима дегани, таржимасини шу қишлоқда яшовчилар билишадими? “Қайдан, — дейишди, бу саволимга шу қишлоқдагилар. — Балки чойхоначининг ўзи ҳам билмаса керак. Ишонмасангиз сўраб кўринг, “биронта ўрис қизнинг исми бўлса керак”, деб ўйласа ажабмас.

Начора, бугун ўзимиз ўзимизга кулги бўлиб ўтирибмиз. Имлода на крилл, на лотин, сўзлашувда на ўзбек, на русча...

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 5002
Буюртма — Г-250

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21^{00}
Топширилди — 20^{50}

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.